



Эркин юрт

Ўзбекистон Халқ Ҳаракатининг расмий нашри
Мулоқот учун E-mail: erkinyurt@uzxalqharakati.com

#26 20.04.2012

М.СОЛИХ: “АРАБ БАҲОРИ ДИКТАТОРЛАРГА ҚАРШИ ҚУРОЛЛИ КУРАШНИ МАШРУЪ ҚИЛДИ”



Таниқли ўзбек мухолифатчи, муҳожирликда юрган сиёсатчи Муҳаммад Солиҳ BBC халқаро телерадио- корпорацияси рус тили хизмати мухбири билан суҳбатда “араб инқилоби, араб баҳори қандайдир маънода Каримовга ўхшаган диктаторларга қарши қуролли курашни машруълаштириб қўйди”, деб билдирган.

“Яъни, бу ўрناق бўладиган воқеа бўлди, халқ ўз диктаторига қарши қўлига қурол олиб кураши мумкин. Биз ҳам шу йўлни танладик, дея олмайман. Аммо Каримов Андижондаги каби халқни қирғин-барот қиладиган бўлса, халқ ўзини химоя қилишга мажбур бўлади. Эҳтимол, халқ кўзғолони араб мамлакатларида каби мақомга эга бўлади”, – деди М. Солиҳ.

“Агар армия ёки ҳуқуқ-тартибот идораларининг бир қисми [халқ томонига ўтиб олса], халқни Андижондаги каби ўққа тутиб бўлмайди”, – деди Муҳаммад Солиҳ.

Қирғизистон жанубидаги 2010 йил июнь воқеалари ҳақида гапира туриб Муҳаммад Солиҳ: “Ўшда умуман олганда, этник тозалов амалга оширилган, бунинг принципиал фарқи бор. Агар Ўзбекистонда умумий кўзғолон бошланиб қолса, у этник характерга эга бўлмайди.

Эҳтимол кланлар ўртасида кураш, ижтимоий табақаларда силжиш ва хаос бўлиши мумкин, аммо биз Қирғизистонда кузатганимиздек этник характердаги можаролар бўлмайди”.

“Ўзбекистон Халқ ҳаракати ҳокимиятни қўлга киритса, Ислом Каримовнинг тақдирини нима бўлади?”, деган саволга Муҳаммад Солиҳ “уни халқ суд қилади ва у Ўзбекистон қонунларига биноан жазога тортилади”, деб жавоб берди. Шу билан бирга, Ислом Каримов режими билан “даҳлсизлик эвазига ҳокимият” шиори остида музокаралар ўтказилиши эҳтимолини истисно этмади: “Агар қон тўкилмай диктатурадан тинч ҳаётга, демократия тизимига ўтиладиган бўлса, мен шундай музокара ўтказилишига рози бўлардим”.

Муҳаммад Солиҳ BBC мухбирига 19 йилдан бери қувғинда яшаётганини, 1993 йилда “давлатга хиёнати” учун ҳибсга олинганини эслатди. Дунё ҳамжамияти босими остида уни “Тошкентни тарк этмаслик шартин билан” қамоқдан чиқаришганида, у Туркия қочиб кетди.

1999 йилда расмийлар Солиҳни Ўзбекистон президенти Ислом Каримовга суиқасдда айбладилар. Ўшанда уни сиртдан ўн беш ярим йилга озодликдан маҳрум этишга ҳукм чиқардилар.

КЎЗИНГИЗНИ ЮМИНГ...

Ушбу мақоланинг маъноси кўзингизни очингдир. Аммо ўзбеклар “қўшнинг кўр бўлса, кўзингни юмиб юр”, дейишади. Шунинг учун ҳам баъзи сиёсий “кўрларга” кўзингизни юминг, дейишдан бошқа чорамиз йўқ.

(Давоми 2-бетда)

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ҲАРАКАТИ МАТБУОТ БИЛДИРИШИ

Uznews.net сайти сўнги пайтларда ахборот тарқатишдаги ҳолислик меъёрларини тез- тез бузиб, одамлар орасида хусумат ва тарафқашлик кайфиятларини рағбатлаган ҳолда, бир қатор сиёсий ва диний гуруҳларга нисбатан ошқора тенденциозлик йўлини тутмоқда.

(Давоми 3-бетда)

РУСТАМ ИНОЯТОВГА ОЧИҚХАТ

темир панжара ортида мазлумликда фарзанд кутаётган келинларимизни эсланг. Тасаввур қила олсангиз бир кунгина уларнинг ўрнига ўзингизни қўйиб кўринг.

(Давоми 4-бетда)

\$1 000 000 000 000 ҚАЁҚҚА КЕТДИ?

Ҳақиқатан ҳам Ислом Каримов режими МХХ, Ички Ишлар Вазирлиги, Прократура ва Суд тизими орқали Ўзбекистонда “қабристон” тинчлигини ўрнатди.

(Давоми 5-бетда)

ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИНИНГ “ТАСТАРБАЙТЕР”ЛАРИ..

Агар мардикорлар бўлмаса, республика халқ хўжалиги аллақачон йўқликка юз тутган бўларди.

(Давоми 5-бетда)

МУАММОЛАР ИЛДИЗИГА САРФ ЭТ ҒАЗАБНИ

Келин хомиладорлиги учун 3 кундан бери мева сўрайди, сен эса ҳар куни уйга қайтганинда, унутибман деб алдаб қўяқоласан. Оламан дейсан-у 4000 сўм. Иккиланасан. Чунки ойлигинг нари борса 300 минг сўм.

(Давоми 6-бетда)

АНДИЖОН ЗИНДОНИ ҚАЪРИДА КЎРГАНЛАРИМ (2-ҚИСМ)

Спирал сақлаш айғоқчиларга мумкин, бошқаларга заперет, шмон (тинтув)да топилса запал (қўлга тушиб қолиш) ҳисобланади. Мақсад – хорлаш,

(Давоми 13-бетда)



Ушбу мақоланинг маъноси кўзингизни очингдир. Аммо ўзбеклар “кўшнинг кўр бўлса, кўзингни юмиб юр”, дейишади. Шунинг учун ҳам баъзи сиёсий “кўрларга” кўзингизни юминг, дейишдан бошқа чорамиз йўқ.

Зеро, уларга кўзингизни очинг, дейишнинг маъноси йўқ. Уларнинг, илоҳий ҳақиқатда айтилган каби, кўзлари бору, аммо кўрмайдилар...

Инсон ҳуқуқлари ҳимоячиси Елена Урлаеванинг Ўзбекистонда руҳий касалхонага ташланишида бундай сиёсий кўрлик яна ўзини кўрсатди. Бу ҳақда махсус билдириш эълон қилишига қарамасдан яна ЎХХ Муассислар Мажлисининг Раиси Муҳаммад Солихни айблаш бошланди. Бундай айблашда икки аёл- Галима Бухорбаева ва Мўътабар Тожибоева байроқдорлик қилмоқдалар...

Уларнинг гапига ишонадиган бўлсак, Елена Урлаевани руҳий касалхонага диктатор Исло Каримов эмас, Муҳаммад Солих ташлаган. Яна бу мантиққа кўра адолатпарвар Муҳаммад Солих бўлмаганда, диктатор Исло Каримов дунёнинг энг яхши Президенти бўларди. Баъзиларига кўра эса Муҳаммад Солих бўлмаганда ўзбеклар аллақачон бирлашиб, дунёни фатҳ қилган бўлардилар. Шундай ўйлайдиганларнинг бир қисмига кўра эса яна Муҳаммад Солих 1999 йил Тошкентда портлашларни “амалга оширмаганда” Исло Каримов истеъфога чиқиб, Ўзбекистон эркин ва тараққий қилган давлатга айланган бўларди (Муҳаммад Солихнинг бу портлашларга алоқаси йўқлигини марҳум Зайниддин Аскарлов ўз вақтида баён қилганди). Бундай сафсатабозларга баланд овоз билан “кўзингизни юминг”, демоқчимиз. “Кўзингизни юминг, акс ҳолда бундай сиёсий кўрлигингиз сизни кулгули ҳолга тушираётганини кўриб қолингиз мумкин. Масхара бўлаётганингизни кўрмаслик учун кўзингизни янада қаттиқроқ юминг...”

КЎЗИНГИЗНИ ЮМИНГ...

Авалло шунга айтмоқчимиз: Муҳаммад Солих сиёсатга кадам қўйгандан бери унинг ёнига келиб-кетадиганларнинг сони асло кесилгани йўқд. У хорижга чиққандан кейин ҳам унинг зиёратчилари асло камайгани йўқ. Бу зиёратчилар орасида турли тоифадаги инсонлар бор: булар орасида унинг самимий дўстлари ҳам, Каримов режимининг жосуслари ҳам, Муҳаммад Солих билан сиёсий бозорлик қилишни истайдиганлар ҳам доимо бўлган ва бундайлар оқими бугун ҳам давом этмоқда. Бу ердаги хулоса шундан иборатдир: Муҳаммад Солих ҳеч кимни менинг ёнимга, уйимга келинлар, дея даъват қилаётгани йўқ. Аксинча кимдир яхши ният билан, кимдир умид билан, кимдир ёмон ният билан унинг эшигини тақиллатмоқда...

Охирги пайтда Муҳаммад Солихнинг зиёратчилари орасида янги бир тоифа ҳам пайдо бўлди. Булар Солих аканинг хоними, алтернатив тиб мутаххасиси Ойдин опада даволанишни истаб, бу оиланинг эшигига келаётганлардир. Табиийки, буларни ҳам Солих ака ва оиласи чақириб келаётгани йўқ. Улар ўзлари келиб кетмоқдалар...

Елена Урлаева Истанбулга мана шундай ташриф буюрганлардан биридир. Муҳаммад Солихнинг айтишича, унинг буйрак касаллиги бўлган ва у Ойдин опада даволанган. Кейин ўз ихтиёри билан мусулмонликни қабул қилган. Исмини Марям, дея ўзгартирган. Бўлган воқеа шу. Аммо Муҳаммад Солихнинг бу зиёратчиси Ўзбекистонга қайтгандан кейин тўғри руҳий касалхонага ташланди. Бу инсон ҳуқуқлари ҳимоячисининг биринчи марта эмас, унинг иккинчи марта руҳий касалхонага қамалишидир. Агар Галима Бухорбаева ва Мўътабар Тожиева кўзларини очмасалар, бемалол Муҳаммад Солих Елена (Марям) Урлаевани умрбод руҳий касалхонада сакламоқда, дея айтишлари ҳам мумкин. ...

Муҳаммад Солих Ўзбекистон Президентлигига курашда Исло Каримов қарши муқобил номзод бўлгандан бери турли сабаблар билан унга ёпишиб олганларнинг сони асло камаймади. Исло Каримовни тушуниш мумкин: Бу диктатор Муҳаммад Солих шахсида ўзининг ваҳший режимини ўзгартиришни истайдиган бир ислохотчини кўради. Шунинг учун ҳам у М. Солихни йўқ қилиш ёки бўлмаса уни таъсирсиз қилиш учун бутун чоратадбирларини кўриб келмоқда.

Булар орасида унинг Ўзбекистондан сургун қилиниши, уни радикал ва террорист, дея айблаш ва бу сохта айблов билан 15 йилга қамоқ ҳукми чиқарилиши, интерполга бериш, Прага қўлга олинганда уни таслим қилишлари учун уринишларни, бутун оиласини қатағон қилинишини, шу жумладан уч укасининг гаров сифатида қамоққа ташланишларини айтиш мумкин...

Исло Каримов мана шундай жирканч ва зулм усуллари воситасида Муҳаммад Солих билан ҳисоблашишга уриниб келмоқда. Аммо Галима Бухорбаева, Мўътабар Тожибоева, Абдурахим Пўлатов, Пўлат Охунов, шоир Юсуф Жума, Жаҳонгир Муҳаммад, Ризо Обид, Дадахон Ҳасан кабиларнинг Муҳаммад Солихга душманлиги асло ва асло Исло Каримовнинг душманлигидан кам эмас. Айни пайтда бу шахслар ўзларининг Исло Каримовга муҳолиф ҳам, деб биладилар. Мана бунга ҳақиқий сиёсий кўрлик, демасдан яна нима дейиш мумкин?.

Бу инсонларга шундай демоқчимиз: Хўп, сиз мақсадингизга эришдингиз ҳам дейлик (Гарчи бу Аллохнинг иродасидадир). Муҳаммад Солихни махв қилдингиз, уни сиёсий курашдан ёки умуман ҳаётдан йўқ қилдингиз, кейин нима қилмоқчисиз? Агар Муҳаммад Солих бўлмаса, нима қиласиз? Ўзаро бир орага келиб, янги муҳолиф ҳаракат тузасизми? Ахир бундай ҳаракат тузишингизга, ўзаро бирлашингизга Муҳаммад Солих ҳозир ҳам халақит бераётгани йўқ-ку! Бундай ҳаракат тузиш учун сизда мафкуравий қараш, сиёсий ирода, аниқ ғоя ва мақсад борми? Йўқ! Шундай экан, асл мақсадингиз нима ўзи? Муҳаммад Солихни йўқ қилиш билан нимага эришмоқчисиз? Сизнинг кўрлигингиз шу даражада ки бу саволга ҳам аниқ жавоб бера олмайсиз. Сиз нима қилишингизни ҳам, нимага яшаётганингизни ҳам, нима учун курашаётганингизни ҳам билмайдиган даражада ночор ва кўр инсонларсиз... Эплайдиган бир нарсангиз бор: У ҳам бўлса Муҳаммад Солихга осилиш. Шундай қилсангиз, қиладиган ишингизга ёки ёзадиган нарсангизга кимдир эътибор бериши мумкин. Яъни, М. Солих ҳақида нимадир ёзилибди, ким ёзган экан, ҳа фалон инсон ёзибди, дея сизнинг номингизга эътибор қаратишлари мумкин. Акс ҳолда чириган ҳазон каби тасодифий шамолда йўқ бўлиб кетишга маҳкумсиз...

Бу гапларни айтишдан мақсад асло Муҳаммад Солихни улуғлаш эмасдир.

(Давоми кейинги бетда)

КЎЗИНГИЗНИ ЮМИНГ...

(Давоми: боши 2-бетда)

Ақсинча, сизнинг мафкуравий ва сиёсий кўрлигингизни яна марта ошқор қилишдир. Бундай кўрлик янги ҳодиса бўлганда бунга эътибор қаратмасак ҳам бўларди. Аммо бу ўн йил эмас, йигирма йилдир ўзгармасдан давом этиб келаётган бир кўрликдир. Буни айтиш нақадар ачинарли, аммо айтмасликнинг ҳам иложи йўқ: бу ҳаётий кўрлик, яъни умрини ҳақиқатни кўрмасдан ўтказиш хасталигидир...

Агар кўзларингиз ҳақиқатни кўрганда, Муҳаммад Солиҳнинг ҳам савоблари ва хатолари билан оддий инсон эканлигига, умрингиз сизга Муҳаммад Солиҳга қарши курашиш учун эмас, Ҳақ учун курашиш учун берилганига ишонган бўлардингиз. Бу йўлда у билан мулоқот қилишга, имконини топиб муроса ва ҳамкорлик йўлини топишга ҳаракат қилган бўлардингиз. Ва тақдир уни бекорга халқимиз тарихидаги энг золим тузумлардан бири- Ислоҳ Каримов диктатурасига қарши муҳолиф ташкилотчи ва раҳбар қилмаганини тушуниб етган бўлардингиз. Ўзбек халқининг вакиллари уни ватанда ҳам, хорижда ҳам ёлғиз ташлаб қўймаганини, бунинг бир фазилат эканини ўрганган бўлардингиз. Аллоҳ Ўзи севган бандаларига бошқаларга ёрдам бериш қобилиятини беришини ўқиб-ўрганган бўлардингиз. Ва ниҳоят Муҳаммад Солиҳга қарши аёвсиз курашиш билан ўзингизга ҳам, фақатгина сўздагина тарафдори бўлганингиз ўзбек халқига зиён бераётганингизни тушуниб етган бўлардингиз...

Аммо бу ҳаётдир, имтиҳондир. Майли сиз ҳаётий кўрлигингизни давом эттираверинг. Аллоҳ насиб қилган бўлса бир кун кўзингиз очилар ва ҳақиқатни кўрарсиз. Насиб қилмаган бўлса, зеро кўзлар эмас, қалблар кўр бўлади. Билингки, бу дунёда ҳақиқатни кўрмайдиганлар охирадга ҳам кўзлари кўр бўлиб, қайта тириладилар. Балки ўшанда кеч бўлар, аммо сиз ҳозирча тўғри гапни қабул қилишни истамайсиз...

Сиз Ўзбекистон Халқ Ҳаракатини ҳам, Муҳаммад Солиҳни ҳам ўрта ва мўътадил тараққий йўлидан асло қайтара олмайсиз. Диктатор Ислоҳ Каримов давлатнинг бутун кучини ишлатиб, амалга ошира олмаган нарсасини сиз ҳаётий кўрлингиз билан ҳеч бир шаклда амалга ошира олмайсиз. Зеро, ҳақиқат букилади, аммо синмайди. Бундан кейин кўзингизни очасизми, юмасизми, бу сизнинг ишингиздир. Зеро, ҳар ким ўз тақдири учун ўзи масъулдир...

Йўлдош Абдулла ўғли

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ҲАРАКАТИ МАТБУОТ БИЛДИРИШИ



Биз, тоталитар режимнинг барча азобини бошдан кечирган сиёсий муҳолифат вакиллари, Ўзбекистон халқи ҳаётида мустақил матбуотнинг аҳамиятини яхши биламиз.

Шу маънода "Uznews.net" веб сайтининг фаолиятини умумият-ла ижобий дея баҳолай оламиз.

Бирок, Uznews.net сайти сўнги пайтларда ахборот тарқатишдаги ҳолислик меъёрларини тез-тез бузиб, одамлар орасида хусумат ва тарафқашлик кайфиятларини рағбатлаган ҳолда, бир қатор сиёсий ва диний гуруҳларга нисбатан ошқора тенденциозлик йўлини тутмоқда.

Биз бу ўринда нашрнинг Ўзбекистонлик диний имом Обидхон қори Назаровга қарши ёзилган провокатив руҳдаги мақолаларида аниқ сезилиб тургани Ислоҳ динига нисбатан адовати ҳақида гапирмоқчи эмасмиз.

Ушбу сайт томонидан бизнинг ташкилот ва унинг етакчиси шаънига отилган фитна хуружларининг сўнгиларига тўхтаб ўтамиз, холос.

Бу сайтдаги сарлавҳаларга эътибор беринг: "Халқ нидоси" Каримовни фош этади ва аёлларни ҳақорат этади", (10.02.12), "Тошкентда Оллоҳнинг марҳамати билан варақалар тарқатилди" (30.03.12), Муҳаммад Солиҳ: "Елена исломни қабул қилди", (09.04.12), "Тожибоева: Урлаеванинг аҳволига Солиҳ айбдор" (16.04.12) ва ҳоказо.

Иккитагина сарлавҳани таҳлил этишнинг ўзи ошқора дезинформацияни ва фактларни қалбақлашга уринишни кўрсатиб турибди.

1. Ҳуқуқ ҳимоячиси Тожибоева, агар М.Солиҳ Е.Урлаевани Туркияга чақирмаганида, уни руҳий касаллар шифохонасига ётқи-зишмаган бўларди, дея ҳисоблайди. Шунинг учун сарлавҳада "Урлаеванинг аҳволига Солиҳ айбдор" деб ёзилибди. Бу эса анча жиддий айблов.

2. Сайт муҳарири Г.Бухарбаева М.Солиҳга "Урлаева Туркияда Ислога кирдимиз?" деб савол берапти.

М.Солиҳ унга: "Ҳа" деб жавоб берапти. Сухбатни сайтда эълон қилиш олдида Бухарбаева ўзининг саволини олиб ташлапти ва М. Солиҳнинг жавобини "Елена Исломни қабул қилди" деб ўзгартириб, мақола сарлавҳасига чиқаряпти.

Бу эса, гўёки муҳолифат лидери махсус матбуот анжумани чақириб, ҳуқуқ ҳимоячисининг Ислоҳга кирганини эълон қилди, деган манзара касб этади. Бунга дезинформация (ёлғон маълумот тарқатиш) дейилади.

Бу ёлғон маълумотлар, мақола остида қолдириладиган изоҳлар, муҳолифат лидерининг рафиқаси гўёки яҳудий, ҳамда қора магия билан шуғуллангани боис Елена Урлаевани бемалол заҳарлай олиши мумкинлиги ҳақидаги кўпол ва бўҳтонлар билан яна-да кўпиртирилади.

Буларнинг ҳаммаси пировардида бизнинг жамиятимизда диний ва этник келишмовчиликлар пайдо бўлишига, диктатурага ўта қийин шароитларда қарши қурашаётган муҳолифатнинг парчаланishi ва шу билан бирга, Ўзбекистондаги тоталитар тузумнинг яна-да қувватланишига хизмат қилади.

Биз, мустақил матбуотни молиялаштираётган масъул фондларга мурожаат қилиб, Uznews.net каби сайтлар фаолиятини кузатиб боришларини, уларнинг Сўз Эркинлиги каби эзгу мақсад йўлида қанчалик хизмат қилаётганига эътибор беришларини сўраймиз.

ЎХХ Муассислар Мажлиси

РУСТАМ ИНОЯТОВГА О Ч И Қ Х А Т



Республика Миллий Хавфсизлик
Хизмати раиси Рустам Иноятовга

О Ч И Қ Х А Т

Ассалому алайкум Рустам Иноятов!

Сизни Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг байрами олдидан «Шон-шухрат» ордени билан тақдирланганлигингизни эшитиб, мен ҳам Сизга дил сўзларимни изхор қилишни жоиз деб билдим.

Сизга бу унвон осонликча берилгани ва арзонга тушгани йўқ. Мана кеча кўшним Музаффархон Акрамов зонадан ўпка касал бўлиб, тугаб қолганларида беришди. Оила, фарзанд, оталик бахти нима эканлигини кўриб улгурмаган норасида гўдаккина шаҳид бўлдилар. Музаффархоннинг ўлими яраларимни янгиледи.

Турмуш ўртоғим Ҳасанжон Умаралиевни 1999 йили 15 апрель кунда Марғилон МХХ ходимлари олиб кетишиб, ўзларингга маълум ҳолатда уриб, ёриб, синдириб, кўкартириб, ўлдириб, жасадни келтиришди. Камига кўча атрофини ўраб олишиб, жанозага кирган ҳамма одамларни кўрқитишиб, ғарибдек кўмиб тинчитишди. Ота-онасига «Овоз чиқарсангиз, бирон жойга арз қилсангиз кейинги ўғлингизни ҳам олиб кетиб қамаймиз» дедилар. Улар ишондилар. Ёлгончилар ҳеч қанча вақт ўтмасдан қайноғам Хусниддин Умаралиевни ҳам олиб кетишди. Ҳозир у Навоийдаги турмада ўтирибди. 4 гўдагимнинг каттаси ўшанда 8 ёш, энг кенжамиз ҳали қорнимда эди. Дадасининг дийдорини кўрмаган ҳам. Мана ҳозир 4 нафар гўдагим билан акамнинг участкасида яшайпмиз. Акам дардман. Қандли диабетдан бир оёқларини кесиб ташлашган. Иншаоллоҳ бу кунлар ўтиб кетади. Фарзандларим ҳам катта бўлар, бу

кийинчиликлар ўтиб кетади. Сизларга бериладиган унвонлар яна қанча Музаффархонларнинг, Ҳасанжонларнинг қурбонликлари, яна қанча етимларнинг, қанча тирик етимларнинг, қанча беваларнинг,

қанча мазлум ва мазлумаларнинг алам изтироблари эвазига келаркин. Сиздан илтимос, ҳар гал унвонингизга масрур ҳолатда термулганингизда Роббим ҳам у энг буюк ибодатга итоатга лойиқ Зот – мени ва менга зулм қилгувчини ҳам яратган шу Зот, даъвоси учун дабдала қилиб қалтаклаб ўлдирилган қанчалаб жасадлар устида додини эштадиган Роббисидан ўзга тополмаган юрак бағри, қон йиғлаётган онажонларни, эркаклик ғурури дод солишга йўл қўймасдан ич ичидан эзилиб, унсиз йиғлаётган отажонларнимизни эсланг.

Қайси айби учун, қилмиши нима деб ўйламасдан ўзича мағрур ҳолатда кўплаб мусулмон йигитларни хайвонларча қалтаклаб нафсониятига тегаётган, уйлаб-жойланиш ёхуд пенсия ёшида, баъзилари турмушга чиқмаган, баъзилари темир қафасларда йиллаб ўтириб дардман бўлиб қолган ожиза «роббисига» ибодат қилгани «нарушения» олиб, йиллаб амнистияларга тушмаган онажонларнимизни, темир панжара ортида мазлумаликда фарзанд кутаётган келинларнимизни эсланг. Тасаввур қила олсангиз бир кунгина уларнинг ўрнига ўзингизни қўйиб кўринг. Улардаги фарзандларига бўлган илҳақликлари, соғинчлари Сизнинг унвон таққан кўкрагингизда ёлгон амнистияларга кўз тутган, аслида барчасини айби қилмиши бир бўлган, аммо «текшириляпти, ўрганиляпти» деган бир парча қоғозингизга ҳам ишонган кўзлари фарзандлари йўлида зор бўлиб нураган оталарнимизни, йиғи унинг дуосига айланиб қолган, фарзандини тушлардан титқилайдиган, мабода кўриб қолса, дунёларга сиғмайдиган онажонларнимизни эсланг. Яна эсланг-ки, Сизнинг фарзандларингизга ва набираларингизга ўхшаган

жажжигина, аммо кўзлари мунгли, ўч ва аламдан маънос тортган, янги кийим, яхши таом нималигини унутган болажонларнимизни унутманг. Қачонки мукофотларингизга масрур ва мағрур термулганингизда қачонлардир вақти соати келиб Сиздан ихтиёр кетишлиги, масрурлигингиз маҳзунликка, мағрурлигингиз илтижо ва қўрқинчга, қўл остингиздаги доимо хизматингизга тайёр ходимларингиз тугул, ўз жисмингиздаги оёқ қўлларингиз сизга бўйсунмайдиган, мазлум ва мазлумалар каби тутқунликда бўлиб қолишингиз мумкинлигига ва Сизга ҳеч бир кимса – Сиз ишонган, таъзим қилган буюк зотларингиз ҳам сизга асқотмаслигини ва яна унутманг-ки, у ерда қораловчи ҳам, оқловчи ҳам, бажарувчи ҳам, гувоҳ ҳам, иқрор қилдиргувчи ҳам одил ҳакам Роббимиз бўлишлигини.

Аллоҳим сизлар туфайли менга муносиб кўрган меҳнат машаққатлар, ўқикликлар, хўрликлар туфайли аччиқ ҳақиқатдан бино бўлиб, ич-ичимдан қайнаб чиққан тилақларим билан сизнинг байрам кайфиятингизни бузганлигим учун узор сўрайман, балким бу тилақларим бундан буён хайрли ишларингизга туртки бўлар. Иймони комил неъматига эришишингизга сабаб бўлар. Ҳарна бўлгандаям биз дуодамиз. Сизга меҳрибон Роббимдан охирида афсус қилмайдиган умр, қайтиш қилганингизда эса барча ошкор ва пинҳон сирларингиздан хабардор Одил ва Қаххор, ўта Меҳрибон ва ўта Қахрли, мукофотлари ва жазолари тасаввуримизга сиғмаган улкан ва унинг сўзлари ҳақ бўлган Аллоҳнинг ҳузурига ҳам мағрур боришингизни тилайман.

Бутун бошли бир инсонни уриб, ўлдириб, тинчитишди. Ҳеч ким қайси вахший қонхўр ўлдирганини ҳам, қотилларни жазолаш тугул суриштирилмадиям. Яхшиям, Аллоҳга ҳамдлар, Ҳисоб-китоб кунни бор, ҳеч бир иш четда қолмас. Етим гўдақларимнинг нолаларини, ўқикликларини, дуоларини ижобатга олсин. Ахир ваъдаси бор-ку, мазлумнинг дуоси билан Аллоҳга ҳеч бир парда йўқ. Унит дуоси ижобат бўлишига шубҳа йўқдир, деган.

Умаралиева Маҳбуба
Марғилон

\$1 000 000 000 000 ҚАЁҚҚА КЕТДИ?



Ўзбекистондаги диктатура режими ижтимоий-сиёсий барқарорлик бузилмасин, дея мустақиллик йилларидан бери халқимизни бутун ҳақ ва ҳуқуқлардан маҳрум қилиб келмоқда.

Бу билан гўё мамлакатда тинчлик ўрнатилди ва зарур бўлган ислохотларни амалга ошириш учун шартлар ўртага чиқади, дея ўз билганини ўқимокда.

Ҳақиқатан ҳам Ислоҳ Каримов режими МХХ, Ички Ишлар Вазирлиги, Прократура ва Суд тизими орқали Ўзбекистонда “қабристон” тинчлигини ўрнатди.

Мамлакатда гапирадиган Ислоҳ Каримов, бақирадиган Президент, қўшиқ айтадиган Гулнора Каримова, рақса тушадиган Ислоҳ Каримов... Аммо натижа қани? Тинчлик бўлса, ҳамма нарса “во” бўлиши, ислохотлар амалга ошириши, мамлакат тараққиётга эришиши керак эди-ку! Аммо на ислохотлар амалга ошди, на мамлакат тараққиётга эришди. Ҳамма нарса “эски ҳаммом, эски тос” шаклида турибди...

Қуруқ иддоа бўлмаслиги учун маълум ҳақиқатларни яна бир марта такрорлайлик: Ўзбекистонда янги давлат қурилишининг мафқуравий

асослари яратилдими? Йўқ! Сиёсий ислохотлар амалга оширилдими? Йўқ! Иқтисодий ислохотлар амалга оширилиб, мамлакат тараққий этган давлатлар сафига кўшилди? Йўқ! Мактаб, соғлиқ соҳаларида ислохотлар амалга оширилдими? Йўқ! Сўз, фикр, матбуот, эътикод эркинлиги таъминландими? Йўқ..

Йўқ..Йўқ..Йўқ..Йўқ..Йўқ..!!!

Ҳамма соҳадаги ислохотлар ҳақидаги саволларга фақат “Йўқ” жавоби бўлса, Каримов деган сохта Президент нима қилди ўзи шунча йиллар?

Жавоб аниқ: Ўзбекистоннинг 20 йиллик бюджетини ташкил қиладиган тахминан БИР ТРИЛЛИОН ДОЛЛАРНИ (мамлакатнинг йиллик даромади тахминан 50 миллиард доллар) кўкка совурди, йўқ қилди! Мана сизга 20 йиллик қабристон тинчлигининг натижаси! Мен бу пулларнинг ҳаммасини Ислоҳ Каримов ва оиласи халғасига солиб, ўғирлаб кетди, демоқчи эмасман. Яқинда кўрсатилган “Халқ нидоси” филми муаллифларига кўра Ислоҳ Каримов ва оиласи 10-15 миллиард долларни чўнтакка уришган. (Халқимизнинг ибораси билан айтганда тешиб чиқсин) Аммо қолган 985 миллиард доллар қаёққа кетди? Ахир бунча пулга Ўзбекистонни эмас, дунёнинг ярмини ислоҳ қилиш, қайта яратиш мумкин эди-ку? Бу пуллар нўноқ, золим, тўғри эътиқодни, сиёсатни, иқтисодни билмайдиган Ислоҳ Каримов ва унинг жинояткор тўдаси тарафидан кўкка совурилди, исроф қилинди ва қилинмоқда.

Фақатгина номи газета ва журнал, дейиладиган, аммо нос ўраб сотишгагина ярайдиган матбуот воситалари учун миллиард миллиард доллар пул сарфланди.

Бу газета ва журналларни ўқиган халқимиз тўғри хабар ололмади, фикри ва зехни ўзгармади. Уларни очиб кўрганга энсаси қотди, холос.

Эссизгина, ўзбекнинг пули? Халқимизнинг асосий қисми ойига 100 доллар ойликка рози экан, диктатор ва унинг тўдаси миллиардлаб долларни завқу сафога сарфлашди. Ҳолбуки бу пулларни халқимиз кўли қонаб, пахта териб топганди. Аммо зolim ва исрофчи диктатор уларни ўз ҳавоий нафси йўлида йўқ қилди...

Агар диктатор Каримовнинг ўрнида тараққийпарвар бир ҳукумат мамлакатимизни бошқарганда, жамиятда бутун соҳаларда эркинликлар берилганда, албатта халқимизнинг бири ўн, ўн бўлмаганда ҳам беш бўларди.

Яъни, бу беш триллион долларга Ўзбекистон дунёнинг энг тараққий қилган давлатлари сафидан ўрин олган бўларди...

Қўлингдан келмаса нима қиласан шунча йил халқни аҳмоқ қилиб? Индамай, эй инсонлар, мен Президентликни бажара олмас эканман, дея ўтирмайсанми? Ҳеч қурмаганда энди қариб-қартийиб, бир оёғинг тўрда, бир оёғинг гўрда бўлиб турганда, халқнинг ёқасидан қўлингни тортсангчи, эй инсофсиз? Ахир ўғри бўл, қароқчи бўл, инсофи билан бўл, дейди ўзбеклар!

Фурқатбек

ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИНИНГ “ТАСТАРБАЙТЕР”ЛАРИ.

Шундан келиб чиқадики, Россияда 1 миллион 360 мингдан зиёд ўзбекистонликлар ишляпти экан. Бу пул жўнатмалари Ўзбекистон иқтисодини қулашдан сақлапти, экспорт ва импорт жараёнини жонлантирапти ва кайсидир миқдорда “қора бозор”даги валюта курсини бир хил даражада ушлаб, ўзбек сўмини бутунлай қадрсизланишининг олдини олапти. Бундан ташқари, пул жўнатмалари оилага киритилган сармоя, чунки мардикорнинг яқинлари бундай фойдаланади, бола-чақаси айна шу пул орқасидан нон ейди.

Ислоҳ Каримовнинг ислохотлари бир тийинга қиммат, чунки у бошқараётган давлатнинг қашшоқликка юз тутмаслиги фақат мардикорларнинг меҳнатига боғлиқ бўлиб қолган холос. Олтин ва бошқа металллар, газ ҳамда пахтани четга сотишдан

келадиган фойдасини оддий халқ сезмаяпти, бундан фақат тор доирадаги шахсларгина манфаатдор экани маълум бўлаяпти. Экспортдан келадиган маблағлар Ўзбекистон ташқарисидан банкларга беркитилаяпти.

Миграция – халқ кўйини пуч ёнғоққа тўлдириб, фойдасиз қарорларга имзо қўйишдан бошқа нарсага ярамай, жиддий иқтисодий сиёсат ва ҳаққоний ўзгаришларни истаган фуқароларни янчишдан бошқа иши қолмаган диктатор учун шармадалиқдир. Агар мардикорлар бўлмаса, республика халқ хўжалиги аллақачон йўқликка юз тутган бўларди. Эҳтимол, қачонлардир мамлакатни замонавий Сомалига айланиб кетишига йўл қўймаган Ўзбек мардикорлари шарафига “Мардикорлар куни”ни байрам қилиш ҳақида қарор қабул қилинар!?

Алишер Таксанов
Улуғбек ўзбекчалаштирди

Фақат ўтган йилнинг ўзида банк жўнатмалари орқали Россиядан Ўзбекистонга \$4 276 000 000 пул ўтказилибди. Бу кўпми ёки озми? Дунё банкининг маълумотига кўра, Ўзбекистоннинг ялпи ички маҳсулоти хажми ўтган йили сал кам 39 миллиард долларга тенг бўлибди. Демак, ялпи ички маҳсулот миқдорининг 11% ўзбек мардикорлари жўнатган пул жўнатмаларига тўғри келаяпти. Ўзбек мигрантлари Қозоғистонда, Украинада, Жанубий Кореяда, Хитойда, Араб амирликларида, АҚШда, Ғарбий Европада ҳам меҳнат қилишяпти ва уларнинг жўнатмалари ҳам ярим миллиард долларга бориб қолади. Демак айтиш мумкинки, хориждан жўнатилаётган пуллар Ўзбекистон ялпи ички маҳсулотининг 13% га тўғри келади.

Россиядан жўнатилаётган пулнинг ўртача миқдори 523 долларга тенг. Агар бу суммани бир ўзбек мардикори ҳар икки ойда бир марта жўнатишини ҳисобга олсак, бир йилда 6 марта пул жўнатади.

МУАММОЛАР ИЛДИЗИГА САРФ ЭТ ҒАЗАБНИ



Яқиндагина вафот қилган Жамшид Зокировнинг (Аллоҳ раҳматига олган бўлсин) бир неча йил илгари эфир орқали ҳар куни қайта-қайта бир реклама блогги ёдимга тушди: Ўтирибсиз телевизор кўриб, у ёқда одамлар лотореядан Нексия ютиб олишмоқда ...

Шу хаёлимга келар экан, ўйлаиб қолдим, ўтиравериб-ўтиравериб, бари мушкулликка кўзни юмавериб, юрагимизни зардобга тўлдириб, кетимизни қадок бостириб, яна нималар йўқотмоқдамиз экан?

Собиқ Иттифок даврида колхоз раиси дейилганда, кишиларнинг кўз олдига басавлат, бошида қорақўл телпаги, оёғида хиром этик кийиб даладаги ишчиларга “Хорманглар!” дейиши бир ажиб ғайратга сабаб бўлувчи инсон намоён бўларди.

Бугунги кундан колхозлар тугатилиб, фермер хўжаликлари айлантирилди, раҳбарлари “Фермер” деб аталди. Ҳар бир фермерда ўртача 50-100 гектардан ерлари мавжуд. Аммо эй фермер бува, фермер эрталабдан кечгача офтоб тиғида куймасдан, аёз изғиринида тинмасдан эришганингиз минерал ўғит учун қарз, прокурордан тортиб ҳокимларгача эшитганингиз дашнолар бу хизматингизда миннатдорчиликми?

Шунча ернинг кучини кетказиб, тузини чиқариб, меҳнатингизни аямай, куну-тун заҳмат демай пахта етиштирасиз-у, нега фарзандларингизга доим Хитойда ишлаб чиқариладиган синтетик матодаги либослардан кийинтирасиз? Куз фаслида ёппасига барчани пахтага жалб қилиниб, қўл меҳнати орқали сотиладиган бу пахталарнинг бир килограмми 24 АҚШ долларидан сотилади-ю, аммо сиз 400-500 сўмгина олиб, хурсанд бўласиз. Шу сиз етиштирган пахтангизнинг чигитидан олинадиган омухта емларни яна килограммини 1500 сўмдан сотиб олиб, чорвангизга қишлайсиз.

Шу сиз етиштирган пахтанинг чигитидан олинган ёғга навбат кутишга фарзандларингизни масъул қиласиз. Ўзингиз эса бу вақт ё

прокуратурада, ё ҳокимиятда, ё далада бўласиз. Барини тушунасиз, аммо начора дейсиз-у, яна арок ичасиз. Кошкийди, бу билан нимадир ўзгарса. Кошкийди ҳеч бўлмаса бир бора жасоратингиз уйғонса...

Сиз эса ичингизга ютиб ўтираверасиз.

2010-2011 йил тадбиркорларга анча талофотлар йили ҳисобланди. Кўпчилик қилган иши савдогарлик, тадбиркорлик ҳамда бой бўлгани эди айби. Буларни ҳаммангиз биласиз. Жуда кўп воқеаларга ўзингиз ҳам гувоҳ бўлдингиз. Шулардан оддий бири – “Бунёдор” стадиони қурилиши Зеромакс ширкатининг банкрот бўлгани сабабли ўзбекистон ИИВ зиммасига топширилди. Шундан бир оз вақт ўтгач, темир бозорида рейд бўлиб, барча савдогарларнинг товарлари мусодара қилинди. Ваҳоланки, ҳар бир савдогарда товарини заводдан олиб чиққанини тасдиқловчи ҳужжатлар, савдо қилиш патенти, хуллас барча ҳужжатлари мавжуд эди. Аммо нега мусодара қилинди? Сабаби, бир неча йиллардан буён фаолият юритаётган қурилуш моллари бозорнинг ҳужжати ноқонуний экан!!! Шу сабаб, ичиди савдо қилган савдогарларнинг товари мусодара қилинибди...

Ҳар бир савдогарда камида 30-40 минг долларлик товар бор эди. Энг оддий ҳисобда ва энг камида. “Мол аччиғи – жон аччиғи” дегандек, савдогарлар ҳаққини талаб қилиб ҳукуматга боришса, шунча пулни қаердан олган эдинг? деб уларни ўзини қамашибди. Ҳар бири МХХнинг терговига чақиртирилибди... Бу каби воқеаларни кўп эшитганингиз учун, оддий ҳолдек қабул қилдингиз-а? Нега? Эй тадбиркорлар, уддабуронлик билан ҳамма қонун томондан фаолиятингиз чекланиб қолган тўсиқларга чап бериб йиғган пулингизни бир кунда йўқотиб ҳам ўтираверасизми?

Сўнгги вақтларда бот-бот ҳайдовчиларнинг, айниқса аҳолига хизмат кўрсатувчи транспорт воситаларининг кўрселиги ва номувофиқ сўзларни омманинг орасида гапириши, сўқиниши асосий мавзуга айланиб қолди. Аммо қачон бунинг сабабини ёритасиз? Ахир, тонгдан тунгача эл хизматидаги бу соҳа кишилари нега бу қадар баджаҳл бўлишаётгани хақида ўйлаб кўрмаймизми?

Сабаби жуда оддий: Тошшахартранс аҳолига қулай бўлиши учун ойлик йўл чипталарини муомалага чиқарган. Бу талаба ва ходимлар учун қулай воситадир. Аммо бундан ҳайдовчиларга асло наф йўқ, фақат зарар.

Чунки шўрлик ҳар бир ҳайдовчига нақд пулда 400-500 минг кунлик режа қўйилган. Агар режа бажарилмаса, маошдан қолди дегани. Охир-оқибатда ҳайдовчи-ҳайдовчини сўқади, интервални бузма манга ҳам миждоз қолсин деб. Чиптачи ойлик йўл чипталиқ йўловчига жаҳл қилади-текинхўр деб. Аҳоли эса ҳайдовчидан шикоят қилади маданиятсиз деб.

Эй, барака топгурлар! Бир-бирингизга аччиқ қилиб ўтирмасдан, нафратингизни шу муомалосибликни юзага келтирган илдиизга сарф қилмайсизми?

Ҳамюртлар, ўзимизда ишлаб чиқарилган шаҳар транспортларида юрасиз. Яхши ният деб таннархидан 5 баробар қиммат ўзимизда ишлаб чиқарилган автомобилни сотиб оласиз. Уларга эса ўз юртимизда қазиб олинадиган нефть маҳсулотлари сарф қиласиз. Сотиб олсангиз қиммат, бунинг устига йўл солиғи ҳам бор ҳар литрда. Доим ёқилгидан норозисиз, сифатсизлигидан. Доим асабийсиз, йўлларнинг ўнқир-чўнқиридан. Аммо ўзингиз ҳам биласизки, бу тўлаётган йўл солиқларингизга ҳар йили Ўзбекистонни 7 қарич асфальт қилишга етишини.

Аммо биласиз-ку, нефть ўзимиздан чиқшини. Сиз эса кибрланиб автомобилдан ўтираверасиз...

Ҳа, укагинам, орзу-хавас деб уйландинг, аммо ишингнинг тайинсизлиги сабаб бошингни қайси деворга уришни билмай юрибсан. Келин хомиладорлиги учун 3 кундан бери мева сўрайди, сен эса ҳар куни уйга қайтганинда, унутибман деб алдаб қўяқоласан. Оламан дейсан-у 4000 сўм. Иккиланасан. Чунки ойлигинг нари борса 300 минг сўм. Хали чироқ, хали газ, ахлатга, сувга... ойлик маошингни учдан иккиси кетди ҳисоб. Қолганига нон ва у-бу кичик рўзғор билан учма-уч яшамоқдасан. Гўштини ўтган ойда нахорги тўй ошида еганингдан буён қачон еганинг? Чироқ ҳам, газ ҳам, сув ҳам ички мамлакат шароитидан олинишини биласан. Халқаро майдонларда Ўзбекистонда ойлик маоши ўртача 1100 доллар деб бонг ураётганларни нега бўғмайсан? Сен эса аламингни аёлингдан олиб жаҳл қиласан. Уйланиш ёмон деб нолиб ўтираверасан.

Сиз-чи, юрт осойишталиги учун хизматдан деб ғурурланган киши?! Меҳнатингизни, эл тинчлиги учун куюнишингизни ҳурмат қиламан. Бу учун яхшигина маош оласиз. Нафақага эрта чиқиб эвазига уй ва кўп миқдорда нафақа олишингиз сизга умид беради.

(Давоми кейинги бетда)

МУАММОЛАР ИЛДИЗИГА САРФ ЭТ ҒАЗАБНИ

(*Давоми олдинги бетда*)

Аммо сиздан илгари ва сиз билан билан ёнма-ён шу хизматларни қиламан, деб шу нафақага етмасдан ҳамкасбларининг қопқонига тушиб хор бўлганини, ёки одамлар қарғишига қолиб итдан баттар ўлим топганини, ёки қамалиб қолган умрини чириб ўтказётганини билсангиз ҳам шу ишни танлаб, келажакда сизни ҳам шу каби тақдир аниқ кутса-да, сиз ҳам ўтирибсиз кавлааб.

Бир болага етти маҳалла ота-она деймиз-ку, аммо қанча қанча фарзандлар четда фоҳиша бўлса-да, пинак бузмаймиз.

Аксинча лой чаплаб, ғийбатдан нарига ўтмаймиз. Қўшнининг ўғли Россиядан касал бўлиб қайтса жон куйдирмаймиз, ўзини ҳаёти деб юз бураимиз.

Аммо нега шунча серкуёш, серҳосил, сердавлат юртимизда кимлардир хор, кимлардир зор бўлиб яшаймиз?

Бу ёзганларимни ўқиганлар кимдир фикрларимни тасдиқлар, кимдир ўйланиб қолар, кимдир ачинар, кимдир ғазабланар...

Аммо барибир қўл ковуштириб ўтираверамиз.

Ўтирибсиз телевизор кўриб. Бу ерда умр ўтиб кетмоқда. Гапларим интихосида Ўткир Хошимовнинг “Дафтар хошиясидаги битиклар” китобидан бир сатрлар келтириб ўтмоқчиман. (Китобдаги аниқ сўзма-сўз ёзиб алоҳида юбораман, маъноси шундай эди):

Кунларнинг бирида телевизорда фильм намойиш қилинди. Қатагон даври ҳақида. Фильмда икки плашч кийган киши бир уйдан эркакни олиб чиқиб машинага солиб олиб кетишар, уларнинг изидан эса норасида фарзандини кўтарганча йиғлаб аёл ва болалар югурар, ён атрофдаги одамлар эса караб туришар эди. Бири ачиниш билан, бири хайрат билан, яна бири беҳаё илжайиш билан.

Хойнахой шу халқ душманини керакли жойга чакқан сиёсий хушёр бўлса керак.

Орадан вақт ўтиб бу фильмни унутган эдим-ки, телевизорда ҳайвонот дунёсини кўрсатди. Бир йўлбарс писиб келиб, маймуннинг нимжон боласига ҳамла қилади. Буни кўриб атрофдаги маймунлар мўр-малахдек йўлбарсга ёпишиб, бири тош, бири банан яна бири ёғоч билан хужум қилишди ва баҳайбат йўлбарсни қувишди. . .

Ростини айтсам, маймунларга ҳавасим келди.

Ибн Жулқунбой

ТОШБАҚА ФАЛСАФАСИНИНГ ҚУЛИ БЎЛМАЙЛИК



Ёшлигимда илк бор тошбақани кўриб, дадамдан “Нега у бу тошни кўтариб юради, юришга қийналади-ку?” деб сўраганимни эслайман.

Дадамнинг бу саволимга жавобини эса хозиргача унутмайман.

“Бу тош унга берилан жазо, ўғлим. Бир вақтлар бу жонзод бунчалик ҳам ожиз ва нотавон бўлмаган, балки, бошқалар қатори эпчил ва чаққон, душманига чапдасд бир махлуқ бўлган экан. Бир куни юртга душман хужум қилибди. Хамма тирик жон ўз эркинлиги ва юрти учун курашга отланибди. Кенг далалар, тоғу тошлар қонли жанохларга айланибди. Буларни кўрган бу жонзод қаттиқ кўрқибди. “Улиб кетмай бу қирғинда.

Жонимни сақлай, кейин бир гап бўлар” дебди-ю, бола-чақаси ва қариндош-уруғини олиб, тошлар остига кириб беркинибди. Орадан бир муддат вақт ўтгач, жанг суронлари тинибди ва юрт яна эркин бўлибди. Шундан сўнггина ковакда беркиниб ётган жонзод, ташқарига чиқибди. Не кўз билан кўрсинки, ўзининг ва хар бир беркинган жонзоднинг елкасига тош ёпишиб қолганмиш. Юрт эркинлиги, мустақиллиги учун курашдан қочган бу жонзодлар ўшандан буён тошбақалар деб аталаркан”.

Дадамнинг жавоби менинг шууримга ўрнаб қолди. Баъзан интернет сайтларида ёки ўзаро суҳбатларда миллатимизнинг бугуни ҳақида бахслашиб қоламиз. Нега шу ахволга тушдик? деган саволга жавоб қидирамиз. Ўзбеклар ўз юртидан тирқираб қочиб чиқаяпти, бошқа юртларда “гастарбайтер” ва ундан-да хунук номларни олиб тирикчилик қилапти. Нега? деб ўзимга савол бераман ва хаёлимга тошбақа ҳақидаги дадам айтиб берган ривоят келаверади.

4 йилдан буён Канадада яшайман. Шу ерда ва бошқа мамлакатда яшаётган ўзбекларни кўпчилиги билан танишдим. Уларнинг жуда жуда кўпчилиги мен билан танишаркан, “Мухолифатчимисиз?” дейишади. Менинг “Ха” деган

жавобимдан сўнг эса, уларнинг ярмидан кўпи қайтиб мен билан алоқага чиқмайди. Хаттоки уларнинг баъзилари, “Илтимос, мени алоқалар рўйхатингиздан ўчириб юборинг” деган мазмунда хат ёзади ва ғойиб бўлади. (ёки, “Тинчгина юрай” деб ковагига кириб кетади...)

Фейсбук, Одноклассники, Мой мир, Твиттер каби ижтимоий тармоқлардаги “дўст”ларимизга баъзан ўзимни танитмайман. Чунки миллат озодлиги, диктатура, мухолифат, Ўзбекистон келажаги ҳақида гаплардан улар қочишади. Бу ҳақда гапираверсангиз, сизни дарров “удалить” қилишади... Нега десангиз жавоб битта “Тинч ўтирайлик ака, яхши кунлар ҳам келиб қолар”...

Яхши кунлар албатда келади. Юртимизда ҳам тонг отади албатта. Адолат ғалаба қозонади. Омон-омон кунлар бошланганда, аста секин беркинган ковақларимиздан чиқиб келамизми, елкамиздаги оғир тошни кўтариб?

Бугун ўзбекларни камоқларда қийнаб ўлдиришяпти, нонингни топ деб юртдан қувиб солишяпти, болаларини қул каби далада ишлатишяпти, хотинларини бичиб қўйишяпти...

Бизлар эса бунга қарши кураш йўлларини қидириш, юртимиздаги диктаторга қарши курашиш учун фикрлашиш, бир биримиз билан жипслашиш ўрнига, ЎЗИМ, ОИЛАМ ТИНЧ БЎЛСА БЎЛДИ, ҚОЛГАНИ ҚИРИЛИБ КЕТМАЙДИМИ деган ақидани қулига айланиб қолаяпмиз. Ва аста-секин елкамиз тошга айланиб бораётганини сезмаяпмиз...

Кураш кунлари қаерда эдинг, нега овозинг чиқмаган эди, нима учун душманга қарши бир калима айта олмадинг, деган саволларга нима деб жавоб берамиз? Нима учун ўзингдаги ақлни, бойликни, билимни миллат қийналган пайтда яширдинг? деган савол, елкамиздаги тошдан ҳам оғирроқ туюлмайдими ўшанда? Дадам ўша ривоятни айтиб берганидан сўнг мен “Нимага у бу тошни ташлаб юбора олмайди?” деганман.

Дадамнинг жавобини эса мен хозиргача эслайман:

“Ўғлим, бу тош кўрқоқлик ва заифлик юки. У сенга бир ёпишиб қолдими, ундан қутула олмайсан” Бундай юқдан Аллоҳнинг ўзи асрасин хаммамизни!

Улуғбек Ҳайдаров



Дубай шаҳри полицияси бошлиғи Халфан Тамим душанба кунни, Юсуф ал Кардовийни хибсга олиш учун Интерполдан рухсатнома олишга уринаётганини билдирди. Энг машхур ислом олимнинг Ал Жазира телеканалдаги “Шариат ва ҳаёт” кўрсатувининг якшанба сонидаги нутқи, полиция маҳкамаси бошлиғининг шундай дейишига сабаб бўлди. Юсуф ал Кардовий ушбу нутқида, Бирлашган Араб Амирликлари (БАА) ҳукуматини, Дубайдаги Сурия консулиги биноси олдида, Башар Асад ҳукумати ҳаракатини қоралаб пикет ўтказган Суриялик бир гуруҳ фуқароларни адолатсиз равишда депортация қилганликда айблаган эди. «Бирлашган Араб Амирликлари раҳбарияти ўзларини худо деб ўйлашиб, намоишчиларни оддий инсон эканлигини унутишган кўринади.. Улар ўз ватанларини диктатордан қутқариш учун курашаётган юз нафар Суриялик оилани депортация қилдилар. Модомики, ҳукумат фуқаролик эркинлигига шу тариқа муносабатда бўларкан, демак у Асад ҳукуматини қўлламокда ва демак, улар ҳам нимадандир қўрқишяпти. Оллохдан қўркинг ва ўз халқингизга куллар каби муносабатда кўрсатманг», – деган Кардовий кўрсатув пайтида. БАА ҳукуматининг бу баёнотга Дубай полицияси бошлиғи Халфан Тамим орқали берган жавобида шундай дейлади:

БИРЛАШГАН АРАБ АМИРЛИКЛАРИ ҲУКУМАТИ ШАЙХ АЛ-ҚАРДОВИЙНИ ХИБСГА ОЛМОҚЧИ

« Низо чиқариш мақсадида бизнинг халқимиз ва давлатимиз ҳақида бундай нопок сўзларни айтётган кимса билсинки, у жазосиз қолмайди. Шайх ал-Кардовий, инсонлар ўртасига низо солиб юривчи буюк фитначи сифатида дунёга донг таратиб бўлган. Шунинг учун бизнинг мамлакатимизга кириш унга таъқиқланган. Намоиш ўтказган Сурияликларни депортация қилганимиз туфайли бизни Асад режимини қўллашда айбаш – бу куракда турмайдиган ёлғондир. Аввало шуни маълум қиламизки, намоиш тегишли рухсатсиз ўтказилаётган эди. Бирок гап бунда эмас. Гап шундаки, бизнинг махсус хизматимиз маълумотига кўра, намоишчилар Бирлашган Араб Амирликлари ҳудудида вазиятни издан чиқариш мақсадида ҳукуматга қарши иш олиб боришган. Биз шуниндек, сўнги вақтда Қатардан чиқариб юборилган юзлаб хорижликлар ҳақида ва аслида Қатардаги инсон ҳақлари вазияти унчалик ҳам яхши эмаслиги тўғрисида нега лом лим демаётган шайхдан бунга сабабини билишни истардик. Бирок шайх ҳазратлари ўзининг «хақли ғазабини» дунёдаги ҳамма “озодлик душманлари”га тўқар экан, негадир, ўзининг бурни остида содир бўлаётган ҳақсизликларни сезмаяпти. Умуман, ал-Кардовий – бу товламачиларнинг устаси. Унинг фикрича, “Мусулмон биродарлар” ҳаракати концепциясига тўғри келмаган ҳар қандай нарса тан олинмаслиги керак. Ўзининг обрўсидан фойдаланган ҳолда у араб давлатлари ҳукуматларига босим ўтказаяпти ва “Биз билан бўлмаганлар, биздан эмас” деган ақида билан уларнинг ички ишларига аралашмокда Ва кимдир

унинг фикрига қўшилмаса, у албатда ўша одамни ҳар қандай мантқли ва мантқиқсиз гуноҳларда айблаб, унинг номини, Ал Жазида телеканалдаги ёки Жума намозидаги ўзининг ғазабнок нутқларида эслаб ўтади».

Бу ғавғо турли араб мамлакатларидаги интернет фойдаланувчилари ўртасида муҳокама мавзусига айланди. Муҳокамалардаги баъзи изохларни келтириб ўтаемиз: «Фикримча, ал-Кардовийнинг олим сифатида обрўси бирмунча ошириб юборилган. У жуда катта масъулиятни ўзига олган ва бутун дин номидан сўзлайди. Бунинг устига у тез тез ортиқча хиссётга берилиб кетади. Унинг Бирлашган Араб амирликлари ҳукуматига йўллаган айбловига келсак, бу асоссиздир». Ғазо бўлгаси. «Мен, Саудия Арабистони ва Форс кўрфазининг ҳар бир фуқароси сингари, диннинг ортиқча сиёсийлаштиришларига қаршиман. Қардовий, ҳар доимгидек ўзининг “тарих ижодкори” киёфасида, одатдагидек, “Менга ёкса бошқаларга ҳам ёқади” деган ҳаёл билан бегона давлатларнинг ишларига аралашаяпти». Саудия Арабистони. «Кардовий Мисрга қайтиши керак. Муборак тахтдан кетди ва энди унга хавф хатар йўқ. Узоқ йиллар мобойнида Қатарда яшаганига қарамасдан, у рухан сиёсий Ислом ғоялари томирига сингиган Мисрлик бўлиб қолаверади. У Мусулмон биродарлар ғояларини Форс кўрфази мамлакатларига ёймоқчи, бироқ бу ғоялар у ерда, минтақа аҳолисининг ўзгача менталитети боис, узоқ яшамайди».

Рус тилидан *Улугбек* таржимаси

Афтидан диктатор Ислом Каримов ўзбек халқининг эътиборидан бутунлай воз кечганга ўхшайди.

Чунки уни халқимизга боғлаб турадиган маънавий боғлар ҳеч қачон бўлмаган.

Энди эса бу золим Президент ўзи ва халқ орасидаги расмий боғларни ҳам узиб ташлашга қарор қилган шекилли.

Бунинг далили сифатида “Халқ сўзи” ва “Народное слово” газеталарининг нархи яна ҳам туширилганини келтиришимиз мумкин. Ҳукуматнинг хуфяси Узметроном сайтнинг хабар беришича,

ГАЗЕТАНДАН ЎРГИЛДИМ



ҳукумат ўзининг бу нашрларини энди деярли текинга тарқатадиган бўлибди. Нимага? Чунки халқ барибир бу газеталарда ёзилганларга

ишонмайди. Шундай экан, Ислом Каримов учун бундан кейин халқнинг ҳам, унга хабар тарқатадиган газетасининг ҳам қадр қиммати бир пул бўлса керак. Бунинг устига бу газеталарнинг тиражи ҳам чинакамига камайиб кетган, деб ёзади хуфя сайт.

Бу газеталар олдиндан хабар берилгани каби фақатгина нос ўраб сотиш учун ишлатилиши мумкин. Диктаторнинг устидан хуфяси ҳам кулгандан кейин, ишнинг охири кўриб қолганига шубҳа қилмасак ҳам бўлади...

Хабарчи: Баҳодир

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ И.А.КАРИМОВГА ОЧИҚ ХАТ

Ушбу мурожаатни давлат идораларига бир неча бор мурожаат қилиб, ижобий натижага эриша олмай, Сизга юборган бир неча телеграммаларим бесамар кетганлиги натижасида, ушбу мурожаатни сизга етказиш мақсадида интернет орқали йўллашга мажбур булган шу мамлакатнинг фуқароси Сиддиқов Неъматжондан деб билурсиз. Мен сизга 04.05.10. куни Фарғона вилоят прокуратураси уюшган жиноий гуруҳ ташкил қилгани ва унга раҳбарлик қилаётгани, бу аянчли ахволни МХХ химоя қилаётгани ҳақида ва 13.09.10 куни Қўқон шаҳар МХХ бу бизнинг вазифамизга кирмайди, деб топшириғингизни бажармаётганлиги учун Республика суриштирув органидан вакил юборишингизни сўраб юборган телеграммам, бу уюшган жиноий гуруҳнинг фаолияти Олий суд амалдорлари томонидан ҳам химоя қилинаётганлиги ва 13.10.10. куни сизнинг девонингиз бошлиғига Қўқон шаҳар МХХ сизнинг топшириғингизни бажармаётганлиги, иш Олий Судга етиб борганлигини ҳисобга олиб, Республика суриштирув органидан вакил юбормасангиз, Сиз ҳам МХХ амалдорларига ўхшаб, уюшган жиноий гуруҳни химоя қилишда айбланишингиз ва бу ҳақда интернетга хабар беришга мажбурлаган бўласиз деб телеграммалар юборганман. Аммо шу кунгача ҳеч қандай вакил келгани йўқ ва бу ердаги қонунбузарликларни тўхтатиш чоралари кўрилмади. МХХ, Прокуратура ва ИИБ амалдорлари менга зуғум ўтказишни тўхтатмаяпти. Ўзингиз раҳбарлигингизда Олий Мажлисида қабул қилинган Қонун ижросини вилоят ҳокимидан талаб қилганим учун 11 йилдан бери бошқарув органлари амалдорларининг доимий таъзияки остидаман, қонунлар ишламаяпти, менинг ҳуқуқларим тиклангани йўқ.

Бувайда туманидаги барча уюшган жиноий гуруҳлар ва порахўрлар Фарғона вилоят МХХ Қўқон шаҳар бўлими бошқарма бошлиғи Б.Нарзуллаев ва унинг туман бўлими кураторининг доимий химоясида, туманимизга янги тайинланган ҳокимга ҳам қонунбузарликка, порахўрликка қарши курашишда МХХ имкон бермаяпти. Ишот тарикасида туман ҳокимининг қарори балан бириктириб берилган, мен сотиб олган иморатим ва ер майдонларини 11 йилдан

бери сиздан тортиб барча давлат идораларига қилган мурожаатларим ижобий натижа бермади. Шу муаммо юзасидан сизга йўллаган тереграммамга асосан янги ҳоким билан прокурор барча ҳужжатлар билан танишиб чиқиб бирорта ҳам юридик кучга эга бўлган ҳужжат топа олишмади. Бу уюшган жиноий гуруҳ тепасида МХХ раҳбари Б.Нарзуллаев ва унинг туманга бириктирилган куратори Олимжон, туман прокурори муовини И.Валиев, туман ИИБ бошлиғи М.Турғунов, туман ҳокимининг қурилиш ишлари бўйича муовини С.Алимжонов ҳамда туман архиви директори Ғ.Эрматовлар туришибди. Улар биргаликда мени мулким ва еримни сотиб еб келмоқдалар. Бу уюшган жиноятни очиш туман прокурорининг қўлидан келмайди. Мен бу жиноят юзасидан ҳуқуқ-тартибот органларига шикоятлар ёзаётганим учун МХХ амалдорлари менга очикдан-очик таъзияки ўтказиб, агар ёзишни тўхтатмасам диний оқимга алоқадорликда айбланиб камалишим мумкинлиги ҳақида огоҳлантиришди. Шунингдек, оиламизда 3 та хўжалик яшаймиз. Шу 3 та хўжаликнинг асосий йўлга чиқадиган йўлимиз йўқ, ўғилларимизнинг уйини ичидан босиб ўтаман. Ер Кодексида фуқаролар яшаб турган уй-жойларига қириб-чиқишлари учун йўл берилиши шартлиги кўрсатилган бўлса-да, бир неча йиллардан бери бизга йўл ажратиб беришмаяпти. Бошқарув органларига ёзган мурожаатларимизга асосан 2004 йилда 0,04 гаер туман ҳокимининг қарорига асосан ажратиб берилиши лозим эди, ажратиб берилмади. Эндиликда Вазирлар Маҳкамасининг 30.12.06. кунги № 272 сонли Қарорини рўқач қилиб йўл ажратиб беришмаяпти. Набираларимни уйлантирсам, бешта хўжалик йўлсиз қолади. Наҳотки Вазирлар Маҳкамасининг Қарори биздек йўлакка зор оилаларга қатъий бўлса-ю, нега уй-жойлар мутлақо ҳужжатсиз ёки қалбаки ҳужжатлар асосида чекланмаган миқдорда сотилапти, нега оптималлаштириш баҳонасида ерлар сотилапти, нега қанчадан-қанча ерлар рўйхатга олинмаган, нега туманлардаги тугатиш комиссияларининг қарорлари шу кунгача архивларга топширилмаяпти?

Назорат органларининг фаолияти назорат остига олинмаса, Ўзбекистонда давлат бошқаруви кун сайин издан чиқиб, бошқариш оғирлашиб бораверади. Президентимизнинг 2012 йилни

“Мустаҳкам оила йили” деб эълон қилишида биз каби оилалар назарда тутилганлигини инобатга олиб, Вазирлар Маҳкамасидан оиламизга асосий йўлга чиқишга йўл ажратиб беришларини сўрайман. Маҳаллий ҳокимларнинг кундалик тушум пули, яъни харом пулларни кўплигидан қонунни ҳам, ҳуқуқат қарорлари-ю Президент фармонларини ҳам назар-писанд қилишмаяпти. Турли фирмалар, овқатланиш ва савдо шаҳобчалари қаторида Бувайда туман “Альфатранс” МЧЖ нинг раҳбари собиқ туман ҳокими, лекин уни бошқарадиган одами М.Ризоев. Тумандаги барча транспортлардан тушадиган даромад давлат ғазнасига тўлиқ топширилмайди. Уни аввал Б.Тўрақуловдан сўраб, кейин инкасса қилинади. Туманда қатнайдиغان транспортларни МЧЖ ўз ихтиёрича бошқаради. Транспортларнинг 65% да давлат лицензияси йўқ. МЧЖ га тушган маблағ қаерга кетишини ҳеч ким билмайди. Жамъи тахминан ҳисоблаб чиқилса 562 та транспорт, кунига 7000 сўмдан ҳисобласак, кунига сал кам 4 миллион сўм тушум бор экан. Буни ким назорат қилади ?

Нью-Йорк шаҳрида туриб, Б.Чориев “Озодлик” радиоси орқали “Ўзбекистонда давлат борми? Бор бўлса, уни Конституцияга асосан бошқариш ҳуқуқига эга бўлган шахс бошқараяптими? Аслида давлатни бошқариш уюшган жиноий гуруҳлар қўлига ўтиб кетганлигини мен эмас, Сизнинг раҳбарлигингизда фаолият олиб бораётган ва сизни Президент сифатида тан олмаётган қўйи бошқарув органларининг, уларнинг сизнинг Девонингиздан чиқаётган буйруқ ва кўрсатмаларингизни қандай бажараётганлигини исботловчи, уларнинг менга юборган жавоб хатлари гапирмоқда. Сизга Фарғона вилоят прокуратураси уюшган жиноий гуруҳ ташкил қилиб, унга раҳбарлик қилаётгани ҳақида юборган телеграммам Бош Прокуратурага, у ердан вилоят прокурорига, у ердан туман прокурорига юборилди ва мен туман прокуроридан 13-мартаба бир хил мазмундаги жавоб хатларини олганман. Шунинг учун 2011 йил декабрда сизга Фағона вилоят Бувайда туманига прокурорнинг кераги йўқ, барча уюшган жиноий гуруҳлар ва порахўрлар МХХ ни химоясида деб, бир тўда жиноятчиларни вазифалари, исми шарифларини кўрсатиб телеграмма юборган эдим.

(Давоми кейинги бетда)

И.КАРИМОВГА ОЧИҚ ХАТ

(Давоми: боши олдинги бетда)

Бу сафар Девонбегингиз телеграммамни Фарғона вилоят ҳоқими Ш.Ғаниевга юборди ва унинг биринчи ўринбосари Ш.Собиров бу телеграммани МХХ Фарғона вилоят бошқармаси бошлиғига жўнатди. Мурожаатнинг ижро муддати тугади, лекин ҳеч ким ҳеч нарсани текширмади ва ҳеч кимга ҳеч қандай чора кўрилмади. Аслида уларга қонуний ҳаракат қилиш имкони ҳам йўқ. Агар уларга нисбатан қонуний чора кўрилса, 12 йилдан бери давом этиб келаётган барча қаллобликлар ва қонунбузарликлар бирин-кетин очилиб, жиноятларнинг олди олинган бўлар эди. Уюшган жиноий гуруҳларга қарши қонуний чора кўрилмаслиги сизни Президент сифатида тан олмасликлари ва давлатимизни ташқи сиёсатини ҳам халқаро доирага бузиб кўрсатаётганликларидан далолатдир. Бу шармандаликни олдини олиб, Республика миқёсида комиссия юборишингизни сўрайман.

Шу йил январ ойида телеграмма билан танишиб чиқиш учун туман ҳокимига бердим, мусасадди амалдорлар уйимга келиб мендаги ҳужжатлар ва шароитим билан батафсил танишиб, менинг талабларимни бажаришга ваъда беришди, лекин орадан шунча вақт ўтиб, ваъдаларини бажаришмади. Аксинча, мен бу ҳақда Сизга ёки халқаро каналга мурожаат қилсам, мени йўқ қилишлари мумкинлиги ҳақида қатъий огоҳлантиришди.

Мен интернетга юборган мақоламда ўтган 12 йил ичида менинг муаммоларим 25 мартаба суд тартибида кўрилиб, суд қарорларини ҳуқуқшунослар ўрганиб чиқиб, бирорта қарорни амалдаги қонунларга асосан тўғри чиқарилган деб топишса, менга умрбод қамоқ жазосини тайинлаб “Жаслик” қамоқхонасига ташлашсин ёки куппа-кундузи Мустақиллик майдонида мени пешонамдан отиб ўлдиришсин, мен розиман.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, менинг ҳам сабрим тугаб бораётганлигини ҳисобга олиб шу муаммоларга ўзингиз яқун чиқариб беришингизни илтимос қиламан.

Сизга чексиз ҳурмат ва салом билан: Фарғона вилояти, Бувайда тумани, Маслаҳат қишлоғида яшовчи фуқаро

Сиддиқов Неъмат Йўлдошевич

Tel: +998941344412, +998941388886

М.СОЛИХ: “ҒАРБНИНГ ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН ҲАМКОРЛИГИ - УЗОҚНИ КЎРМАСЛИҚДИР”



Ўзбек муҳолифати лидери Муҳаммад Солиҳга кўра, Британия ва Ғарбнинг Афғонистондан кўшинларни олиб чиқиш борасида Ўзбекистондаги тузум билан ҳамкорлиги бир марталик ва узоқни кўзламаган ҳамкорликдир.

Би-би-си билан суҳбатда Муҳаммад Солиҳнинг айтишича, хавфсизлик манфаатларидан келиб чиқаётган Ғарбнинг жорий сиёсати минтақадаги демократик кучларга нотўғри мужда йўллайди. Афғонистондан хорижий кучларни олиб чиқиш муддати этиб 2014 йил белгиланган.

Аммо охириги йилларда хорижий кучларнинг асосий таъминот йўли бўлган Покистоннинг қавмлар назоратидаги ҳудудларига ишонч йўқолди, жангарилар таъминот юклари ортилган қарвонларга кўп бора ҳужумлар уюштирди. 2011 йил ноябрида Покистон-Афғонистон чегарасини Афғонистон ҳудудидан НАТО кучлари ҳаво ҳужумига тутди, оқибатда 24 Покистон чегарачиси ҳалок бўлган.

Бунинг ортидан Покистоннинг АҚШ ва НАТО билан муносабатлари ёмонлашди, Покистон ўз ҳудудидан ўтувчи таъминот йўлини ёпиб қўйган.

Ушбу вазият Афғонистондан чиқиб кетиш тараддудини кўраётган ҳамкорларни “ўз нигоҳларини Афғонистоннинг шимолига қаратишларига” ундаган. Ўзбек-Афғон чегарасидаги Термиз аэропортида Олмония кучлари жойлаштирилган.

Қирғизистоннинг Бишкек аэропортидаги “Манас” аэропортида АҚШнинг транзит маркази жойлашган.

Ғарблик сиёсатчилар Россиянинг Ульяновск шаҳри аэропорти бўйича, Қозоғистон, Ўзбекистон, Қирғизистон ва Тожикистон

ҳудудларидан фойдаланиш бўйича музокараларни кучайтирганлар. Йил бошидан буён Тошкентга ҳам қатор НАТОга аъзо мамлакатлар сиёсатчилари ташриф буюрдилар.

Британиядаги таҳлилчиларга кўра, охириги вақтда Британия ҳукумати аъзолари Ўзбекистонга тез-тез сафар қилиб туришибди, бироқ айнан қандай масалалар ҳақида ўзаро келишилаётгани сир тутилмоқда.

Бир неча кун олдин Британия ҳукуматининг нуфузли аъзоси, иқтидордаги консерваторлар партияси раисдоши Баронесса Варси Ўзбекистонга уч кунлик сафарда бўлиб қайтган.

Британия матбуотида Ўзбекистон ҳукумати ўз ёрдами эвазига Британия ҳукумати олдига мушкул талаблар қўйгани ҳақидаги мақолалар пайдо бўлди. Халқаро ташкилотлар ва ўзбекистонлик фаоллар Ўзбекистон ҳукумати билан ҳамкорлиги учун Ғарб сиёсатчиларини икки стандарт сиёсатини юритаётганликда айбламоқдалар.

Фаолларга кўра, Ғарб Афғонистондан кўшинларини олиб чиқишда Ўзбекистонга муҳтожлиги борлиги учун ҳам Ўзбекистон ҳукуматининг жамиятни демократлаштиришни истамаётганини кўриб кўрмасликка олмоқда, инсон ҳуқуқларининг кўпол поймол этилиши ҳолларига кўз юммоқда.

Муҳолифат етакчиси Муҳаммад Солиҳ айтишича, Ғарбнинг ушбу ҳамкорлиги Ўзбекистон ҳукуматининг “давом этаётган репрессияларини яширишга хизмат қилади”. “Ғарб сиёсатчилари бу ҳамкорликка мажбур бўлаётганларини тан олаётганлари яхши, бироқ биз демократия ва инсон ҳуқуқларини ҳам ҳимоя қиляпмиз, деб айтишнинг кераги йўқ”, дейди Муҳаммад Солиҳ.

Жаноб Солиҳ айтишича, “Араб баҳори”нинг таъсири Ўзбекистонда ҳам сезилди, бу руҳий-психологик таъсир. “Халқимиз кўрдик, золимлар билан, диктаторлар фақат курашиш мумкин”, дейди Муҳаммад Солиҳ. Бироқ унга кўра, бундан 1 йил олдин тузилган Ўзбекистон Халқ Ҳаракатининг “танлаган кураш йўли тинч йўл”.

«БАБАЯН, В ОТСТАВКУ-2» ЁХУД СИҚУВГА ОЛИНГАН МУХЛИС ҚИСМАТИ

Ҳинд кино ихлосмандлари яхши биладиган «Қўрқув» деган кино бор. Ўша кинода ўз севганига муҳаббатини ошкор этолмаган йигит охир-оқибат севган кизини қўрқувга солиб қўяди. Натижада, кизнинг кўнглида унга бўлган нафрат ошиб, кўришга тоқати бўлмай қолади. Ҳинд кино ижодкорлари томонидан мелодрама жанрида суратга олинган мазкур фильмда кўрkitувчи ролини маҳорат билан ўйнаган Шоҳруҳхон аслида ҳаётда ҳам шундай инсонлар борлигини қойилмақом тарзда очиб берган. Шу топда кино ва футбол орасида нима боғлиқлик жиҳати бор деган ҳаёлга ҳам келишингиз мумкин. Аслида икки соҳани бирлаштирувчи нарса, бу – мухлисдир. Кино ҳам, футбол ҳам, айнан мухлислар учун ўйналади. Ўтган ҳафта ўзбек футболда «3:1» ҳафталиги бўлди десак муболага қилмаган бўламиз. Мамлакатимизнинг амалдаги чемпиони «Бунёдкор» ва ОФК Кубоги соҳиби «Насаф»нинг худди шу ҳисобдаги мағлубияти-ю, орадан бир кун ўтиб ўзича нималариндир қилиб юрадиган «Нефтчи» ва икки йил ўтибди-ки, жамоамиз ёш, деб қария футболчиларни йиғиб олган «Пахтакор»нинг ўша ҳисобдаги ғалабаси том маънода сенсация бўлди.

Гарчи ҳеч ким кутмаган, бир хил ҳисобдаги аламли мағлубият ва омадли ғалаба нашидаси уфуриб, ҳамма лол қолган бўлсада, ҳафтанинг энг шов-шувли воқеасини ҳеч шубҳасиз «Пахтакор» мухлислари амалга оширишди. Ҳа, ўша сиз ҳамон кўз олдингиздан кетказа олмаётган, «Жар» стадионида кўтарилган «Бабаян, в отставку!» деган баннер! Санокли сониялар ичра мухлислар нигоҳини ўзига қарата олган баннер тез орада ҳамманинг диққат марказида бўлди. Гарчи ушбу баннер қиска фурсат дунё юзини кўрган бўлсада, тез орада ички ишлар ходимлари томонидан олиб қўйилганлиги борасидаги хабар интернет нашрларида ҳам тарқалишга улгурди...

ҚЎРҚИНЧЛИ ТУН

Ҳар доимгидек иш билан машғул бўлиб турганимда нотаниш рақам кўнғироқ қилди. Тўғриси ҳаёлимга бирдан ўша кинодаги сюжет ёдимга келди. Негадир телефонни кўтаргим келмасди. Бирок, балки бирор бир яқин танишим кўнғироқ қилаётган бўлса керак, деган ҳаёл билан телефон гўшагини кўтардим.

«Ассалому алайкум ака, мен «Пахтакор» фан клуби аъзоси Азиз Қурбонов бўламан. Сиз билан гаплашиб олсам бўладими?», деб қолди. Нега, нима учун ярим тунда менга кўнғироқ қилиб гаплашиш ниятида бўлган мухлиснинг асл мақсадини билмай ҳалакман. Аммо кечаги «Бабаян, в отставку!»

деган баннер тўғрисида сизга айтадиган гапларим бор дегандан сўнг у билан учрашишга келишиб олдим. Эртаси куни келишилган жойда иккимиз кўришдик. Юз-кўзидан футболнинг ашаддий мухлиси эканлиги билиниб турибди. Аммо кўринишидан уни нимадир безовта қилаётгандек.

- Азизбек, нега бунча безовтасиз?
- «Пахтакор»нинг «Ал Араби» билан бўлган ўйинда кўтарилган баннер сабаб бошим ғурбатдан чиқмай қолди.
- Нега ғурбатга қоласиз. Ахир сиз жамоа мухлисисиз. Ҳар қандай мухлис ўз жамоасини ғалаба қозонишини истайди. Мухлислар жамоадан ғалаба талаб қилишга ҳақли. Ахир футбол мухлислар учун.
- Ҳа, биз ҳам шундай ниятдамыз. Аммо клубдаги ички муҳит умуман бошқача бўлгани учун бизнинг орзуимиз яқин бир-икки йил ичида амалга ошмаса керак. Қолаверса, бир вақтлар Самвел Бабаян жамоа фан клубсиз ҳам ўйнайверади, «Пахтакор»га мухлис керак эмас, деб айтган ҳам. Бошимга тушган ғурбат тўғрисида гапирадиган бўлсам, тўғриси ўша куни «Бабаян, в отставку!» деб ёзилган баннерни кўтарганлар орасида бўлганим учун ҳозир шу ахволга тушиб ўтирибман.

- Нима учун кўрқувда қолиб кетасиз?
- Хуллас, жамоамиз ғалаба қозонди. «Пахтакор»нинг барча мухлислари қатори мен ҳам яхши кайфият билан уйга бордим. Ярим тун. Соат тахминан 23:00 эди. Телевизордан «шерлар» урган голларни яна бир бор кўриш ниятида турганимда тўсатдан телефоним жиринглаб қолди. Не кўз билан қарайки, «Пахтакор» фан клуби сардори Иззат Асадуллаев. Телефонни кўтарибқоқ ҳа, Иззат ака, тинчликми, дедим. Азиз бугун стадионда «Бабаян, в отставку!» деган баннерни ким кўтарди, деб тўсатдан савол бериб қолди. Ярим тунда ҳашаматли каттақон уйда ёлғиз қолган боладай кўрқувга туша бошладим. Ўзимни қўлга олиб, билмадим, ака деб жавоб бердим. Ростдан сен билмайсанми, деб яна савол берди. Йўқ, мен билмайман деганимдан сўнг, ҳа майли кейин гаплашамиз деб гўшакни қўйиб қўйди.

Бу орада турли хил ҳаёлларга бордим. Ярим тунда нима учун менга кўнғироқ қилиб баннер ҳақида сўраётгани ғалати ҳол эмасми, деб ўйлаб турганимда яна телефоним жиринглади. Қарасам яна ўша фан клуб сардори Иззат ака. Эшитаман ака дедим. Азиз, таксидаман уй манзилингни айт ҳозир олдингга етиб бораман гаплашиб оламиз, деди. Иззат ака ўзлари келаётган экан деб ўйлаб уй манзилини бердим. У киши манзилимини олгандан сўнг ҳозир етиб бораёй ўша ерда гаплашамиз, деб телефонни ўчириб қўйди. Кўм-кўк осмонда тўсатдан пайдо бўлган қора булутдек Иззат ака ва яна иккита нотаниш одам ҳаш-паш

дегунча олдимда пайдо бўлди. Иззат Асадуллаев мени кўриши биланқоқ ҳозир сен билан «Пахтакор»га боришимиз керак, деб қолди. Йўқ, мен боролмайман. Қолаверса, кеч бўлиб қолди. Эртага бораман. Бунинг устига уйдагилар ҳавотир олишади. Уларга ҳеч нима демасдан чиққанман дедим. Бирок, шу пайт нотаниш меҳмонлар олдимга келиб, агар ҳозир биз билан бормасанг сени ички ишлар ходимлари олиб кетишади, деб кўрқита бошлади. Бу гапдан сўнг ўзимни ярим тунда нотаниш жойда адашиб қолган одамдай ҳис қила бошладим. Гўёки улар кўрсатаётган йўл мени ёруғликка олиб борадигандек. Яна ҳаёлга берилиб кетдим. Аммо ҳаёлимни нотаниш одамларнинг агарда бормасанг сени ички ишлар ходимлари олиб кетишади деган гапи бўлиб юборди. Нима қилишга ҳайронман. Улар яна ҳозир бормасанг сени милиция олиб кетади дегандан сўнг, яқинларим, маҳалла куй олдида уятга қолмай, деб улар билан «Пахтакор»га боришга рози бўлдим. Машинада кетар эканман, фан клуб сардори ҳар икки гапнинг бирида баннерни ким ёзди деб сўрайверарди. Мен бўлсам билмайман деган сўздан бошқа жавоб беролмайман. Айтилган жойга боргунча икки нотаниш одам ва Иззат ака роса сўроқ қилиб боришди. Бу пайтда ҳаёлимдан фақат бир нарса, ички ишлар ходимларининг уйимга келиб мени олиб кетаётгани гавдаланарди ҳолос.

Хуллас, кўзланган манзилга етиб келдик. «Пахтакор»га кирар эканман худди мартабали меҳмонни кутиб тургандек Самвел Бабаян ва унинг ҳамроҳлари кўчага кўз тикиб туришган экан. Нигоҳида ғазаблангани шундоққина сезилиб турган таниш одамларни кўриб янада саросимага туша бошладим. Улар мени тун ярмида бу ерга олиб келишларидан мақсад нима, деган савол қийнарди. Ўз саволларимга ўзим жавоб тополмаётган бир вақтда Самвел аканинг «Бабаян, в отставку!» “баннерини сен ёздингми?” деган саволи ҳаёлимни бузиб юборди.
- Йўқ, мен ёзганим йўқ, дедим.

- Унда ким ёзди?
- Билмадим...

- Ўзингни билмасликка олма. Бу баннерни сен ёзгансан, дея ўшқира бошлади. Назаримда қандайдир душман қўлига тушиб қолганман-у, улар мендан ўта сирли нарсани сўраётгандек. Бутун вужудимни кўрқув янада маҳкамроқ ўраб олди. Нима дейишимни, қандай қилиб ўзимни оқлашимни билмай ҳалакман. Бошимда минг бир ўй-хаёл. Самвел аканинг саволига нима деб жавоб беришни билмай турган бир вақтда мени олиб келган иккита нотаниш ходим ҳам сўроққа тута бошлади.

(Давоми кейинги бетда)

«БАБАЯН, В ОТСТАВКУ-2» ЁХУД СИҚУВГА ОЛИНГАН МУХЛИС ҚИСМАТИ

(Давоми: боши олдинги бетда)

Кейинчалик билишимча ўша иккита нотаниш одам Самвел Бабаяннинг қўриқчилари экан. Улар бир соатдан ошқ вақт баннерни ким ёзган деган саволни беришдан чарчамади. Аросатда қолдим. Кимни, ёки нимани айтишни билмайман.

Агар ҳозир бирор нима айтсам бошим нақт балога гирифторм бўлади. Вақт ўтган сари нотаниш одамларнинг кистови янада кучая бошлади. Нима қилиш, ё бўлмасам нима дейишни билмай халакман. Шунда тўсатдан кимнингдир номини таваккал бўлсада айтишга қарор қилдим. Бироқ, кимнинг исмини айтаман. Ҳозир бирор кимни номини айтсам эртага уни ҳам худди мендек сўроққа тутишади. Унинг олдида виждоним кийналадику, деб ўйлаб қолдим. Аммо айни пайтдаги вазиятдан қутилиш учун нима бўлса пешонамдан дедим, фан клубдаги уч нафар одамнинг номини айтдим. Юз йил қазилган қондан биринчи бор дурру-гавҳар топган кишидек нотаниш одамлар мен айтган исmlарни Самвел акага айтишди. Ҳартугул, гарчи виждон азобида қолган бўлсада, уларнинг ховуридан тушгани бироз бўлсада қўрқувни унутишимга сабаб бўлди.

- Шу билан бошқа ҳеч ким сизни безовта қилмадим?
- Сиз Самвел аканинг характерини яхши билмас экансиз. У киши бирор иш қиламан дедими, тамом. Ҳеч қачон кутиб турмайди. Айниқса, баннер воқеасидан сўнг ҳатто судга беришдан ҳам тонмайди. Умуман олганда қилаётган ишини ҳеч ким билан маслаҳатлашмай амалга оширади. Гарчи клубда у кишидан катта раҳбарлар бўлсада, клуб тақдирини ҳам ўзи ҳал қилади.
- Унда нега бунчалик асабийлашасиз?
- Гап шундаки, эртаси куни эрталаб соат 10:00да яна «Пахтакор»га келдим. Яна ўша тунги ҳолат. Мен танимайдиган нотаниш ички ишлар ходими-ю, Самвел Бабаян. Бу ҳам етмагандек, унинг ҳамтовоклари ҳам қўшилиб мени «кутиб олишди». Яна ўша ғазабланган нигоҳ ҳамон уларнинг юзида акс этиб турарди. «Пахтакор»га келишим билан мени бир хонага олиб киришди. Яна қандай саволи бор экан деб ўйлаб турган вақтими, бир коғозга кеча айтган одамларингги исмини тилхатга ёзиб беришимни талаб қилди. Кеча ноиложликдан ўзим билмаган ҳолда таваккал қилиб фан клубнинг уч нафар аъзосининг исмини айтганман. Энди буёғи нима бўлса бўлди, дея тилхатга кеча исmlарини айтган фан клуб аъзолари «Бабаян, в отставка!» деган баннерни тайёрлаган деб ёзиб бердим.

- Тилхат ёзиб берганингиздан сўнг ҳам сизни сиқувга олишдим?
- Билмадим, буни сиқув дейдими ёки қўрқитиш, ҳар ҳолда ички ишлар ходимини кўрсатиб мана бу аканг

сени 15 суткага қамоққа олиб кетади дейишди.

- Қайси айбингиз учун 15 кунлик қамоқ...
- Нима иш қилганим учун мени 15 суткага қамашларини ўзим ҳам тушунмадим. Тўғриси, шу онда салкам бир асрдан бери миллионлаб мухлислар қалбига қувонч, шодлик бахшида этиб келган «Пахтакор»га мухлислик қилиб, жонимни жабборга бериб бакирганларимга пушаймон бўлдим. Жамоани жон жаҳтинг билан қўллаб-қувватлайсан-у, бир кун келиб сени манашундай ахволга солса, роса алам қиларкан.

- Аслида баннерни сиз кўтардингизми?
- Ҳа, ўша куни баннерни кўтарганлар орасида мен ҳам бор эдим. Гапнинг очиги, «Пахтакор»да Самвел Бабаян олиб бораётган ишлар ҳеч кимга ёқмагани учун баннерни кўтарганман. Биласизми, бу ерга ишга келган инсонлар нега тезда бўшаб кетишади. Чунки, улар Бабаяннинг айтганини қилмаган. Агарда кимдаким «Пахтакор»да узоқ муддат ишлашни ният қилса, албатта Самвел акани айтганини қилиб чизган чизигидан чиқмай «подход» қилиши керак. «Пахтакор»га келиб-кетгувчиларни сонини кўриб, гўёки жамоа унинг шахсий дўкони-ю, у ерда кимнинг ишлашию, кимнинг мухлис бўлишини у киши белгилайдигандек. Тўғриси айтсам, «Бабаян, в отставка!» деган баннерни клубнинг ички муҳити бузилиб, жамоанинг аҳволи йилдан-йилга оғирлашиб бораётгани учун кўтардим. Ахир «Пахтакор» халқ жамоасику, шундайми? Нахотки бир вақтлар халқ учун ўйнаб миллионлаб инсонларнинг кўнглига олам-олам шодлик бахшида этган жамоанинг бугунги тақдири ҳеч кимни қизиқтирмас. Агар бу кетишда бўлса яқин бир-икки йил ичида «Пахтакор»нинг аҳволи оғир деган хабар эшитсам ажабланмаган бўлардим.

- Бирор бир ноҳўя гап ёзилмаган бўлса нега сизни бунчалик сиқувга олишди?
- Тўғриси айтсам мени нега бунчалар сиқувга олишганини тушунмадим. Тан оламан ўша куни «Бабаян, в отставка!» деган баннер кўтарган мухлислар орасида мен ҳам бўлганман. Аммо бу баннерни айнан мен қилганим эмас-ку, шундайми?
- Унда ўша куни тунда нега айнан сизни олиб келишди?
- Ҳаммамиз биламизки, стадиондаги тартибни сақлаш, ўйинда безорилик қилган мухлисларни осонроқ топиш мақсадида ички ишлар ходимлари мухлисларни тасвирга олиб туришади. Мен ўша тасвирда тушиб қолган эканман. «Пахтакор» фан клубида ҳамма мени яхши танишади. Шу сабабли ҳам бош айбдор сифатида ҳеч қандай муаммосиз мени топиб олишган.

- Ҳеч бир мухлисни ярим тунда уйдан олиб кетишга клубнинг ҳаққи йўқ-ку?
- Гапнинг очиги, мен буни билмасдим. Бироқ, ўша кунги воқеадан сўнг ҳуқуқшунос билан маслаҳатлашдим. Унинг таъкидлашича «Пахтакор» клубидагилар мени кечаси мажбуран олиб кетишга ҳаққи йўқ экан. Афсуски, ўз ҳақ-ҳуқуқларимни яхши билмаслигим менга панд берди. Аммо энди ҳаммасини билиб олдим. Балки айнан шунинг учун ҳам Самвел ака судга бермай тургандир. Агарда у ҳақ бўлганида аллақачон уйимга суддан хат келган бўларди.

- Бўлган воқеалардан уйдагиларингиз хабардорми?
- Тўғриси, уйдагиларни хавотирга қўйгим келмади. Шу сабабли ҳам ота-онамга бўлиб ўтган воқеалар ҳақида ҳеч гап айтганим йўқ. Биласизми, вазият шу даражага боришини билганимда ўша куни кечкурун Иззат акага уйимнинг манзилни бермасдим. Мен у киши фан клубнинг сардори бўлгани учунгина ишониб манзилимни бергандим. Аслида эса у ўз ходимларини ёнини олишни билмайдиган сотқин раҳбар экан.

- Унда матбуотга мурожаат қилишингизга сабаб нима?
- Аввало шунга айтмоқчиманки, ўша куни тунда қўрқувда қилиб, нима дейишимни билмаган ҳолда таваккал қилиб фан клубдаги уч нафар яхши инсоннинг номини айтиб қўйганим. Бугун уларнинг олдида уятлиман.

Шу сабабли улардан узр сўраш мақсадида сизга мурожаат қилдим. Ёш бўлганим, қолаверса оғир аҳволда қолганим учун уларнинг номини тилга олганимдан афсусданман. Мен Самвел акага айтган инсонлар «Пахтакор»нинг ҳақиқий мухлислари. Улар халқ жамоасини жуда севишади. Шу сабабли ҳам футбол наشرлари орқали кечирим сўрасам ўйлайманки улар мени кечиритишади. Агарда кимлар орқалидир менинг гапларимни эшитган бўлса мен улардан яна бир бор уз сўрамоқчиман. Илтимос мени кечиринлар.

Фарҳод НОРБЎТАЕВ

P/S. Сўзимиз бошида Ҳиндистон киномаҳсулотини саналабдиган «Қўрқув» киносини ёдга олгандик. Гарчи қаҳрамонлар бошқа-бошқа бўлсада, бугун бизга муроғжасат қилган Азизбек Қурбонов ҳам худди ўша кинодаги қўрқув исқанжасида қолган қизнинг ҳолига тушиб қолган. Кинода-ку, қизни қутқарадиган, уни ҳимоя қиладиган қаҳрамон бўлади. Аммо ҳаётдачи? Азбаройи, «Пахтакор»ни севганию, унинг ҳар бир ўйинларида баралла қўллаб-қувватлагани, сафарларда йўл ҳаражати сарфлаб далда бўлган мухлиса бугунги муносабат шуми? Ҳўи, айтингчи, жабрдийда мухлисларни ким ҳимоя қилади?

АНДИЖОН ЗИНДОНИ ҚАЪРИДА КЎРГАНЛАРИМ (2-ҚИСМ)



2-бўлим “Маҳалла” деб номланиб, у арзон ишчи кучи ҳисобига даромад манбаига айланган ишлаб-чиқариш корпусидан иборатдир. Бу бўлимни ҳам ўзига хос ва мос бўлган руҳий ва жисмоний синдириш услублари бор. Овқатнинг доғ бўлмаган ёғда тайёрланиши, ичидаги маҳсулотлар “вазнини йўқотмаслиги” учун чала пишириб тарқатилиши, хоналарнинг захлиги, отоплениенинг қишда ҳам ишламаслиги камерада плита ёки спирал бўлишини талаб этади. Спирал сақлаш айғоқчиларга мумкин, бошқаларга заперт, шмон (тинтув)да топилса запал (қўлга тушиб қолиш) ҳисобланади. Мақсад – хорлаш, қийнаш, иқтисодий имконияти борларни қонини сўриш, ё запалга ё спиралга ҳақ олиш. Қамокхонадаги тартиб-қоида юз фоиз беспредел (ўта ҳаддан ошишлик)дан иборат. Эрталабки ва кечки текширув аристонларнинг 24 соат асабий ҳолатда юришларига кифоя қилади. Назорат прокурори-ку у ёқда турсин, ҳатто муассаса бошлиғига мурожаат қилиш Хитой императорининг қабулига киришдан мушкул. Ҳисобсиз шикоят-аризалар, ойлаб ҳаттоки йиллаб жавобсиз қолади. Сабр қосаи тўлган маҳкумлар оммавийлашган мурожаат услубларини қўллашга мажбур бўладилар. Қуйида ана шулардан айрим мисолларни келтираман:

Оғизларни игна ва ип ёрдамида тиккан ҳолатда 10-15 кунлаб очлик эълон қилишлар (5-10 кунликлари эътиборга лойиқ эмас), қорнини ёриш, қошиқ ёки темир ютиш, томирларини кесиш, оёқ ва қўлларга мих қоқиш, ойлаб гап гапирмасликлар билан бошлиққа етиб борилганда ҳам муаммо доим ҳал бўлавермайди. Норозиликларни билдириш услублари ичидаги энг охириги услуб бу ўз бармоғингизни тишлаб узиб олиб зиндон бошлиқлари олдига улоқтиришингиз ёки ўз жонингизга қасд қилишингиздир. Сарсон қилиш бўйича ходимларнинг биронтаси зиндон бошлиғи Раҳмоновдан қолишмайди. Тиббиёт бўлими касалларга эмас “қозёл”ларга хизмат қилади. Диета овқатларни

врачлар эмас, оперлар тарқатади. Муолажани эса шифокорлар эмас, режим опер ходимларидан чиққан Эшонтўраев Ғофур каби бераҳмлар олиб боради. Тиббий муолажа камералари хоинларнинг дам олиш уйи бўлса, хасталар изолятор камераларидан жой олади. 3-бўлим “Бомбей” деб номланиб, у ерда тергов ишлари давом этаётган ва суд ҳукмини қутаётган маҳбуслар сақланади. Ушбу маҳбусларнинг жазони ўтаётган маҳкумлардан фарқи уларнинг оиласи ёки ота-оналари мунтазам келиб улардан хабар олиши, озиқ-овқат ва эҳтиёжлари учун керакли маҳсулотларни етказиб беришидандир. Аммо зиндон ходимлари шуларни ҳам талон-тарож қилишда устаси фаранг бўлиб кетишган. Зиндоннинг қатта мулозимлари кичик ходимларга мана шу нарсаларни ўлжа қилиб беришган. Уларнинг ноқонуний иш қилаётганликларини билсалар ҳам уларга лом-мим демайдилар. Мана шундай зулмлар остида 2005 йилнинг 12-май кунигача яшаб туриб келажакдаги зулмлар олдида бу зулмлар ҳеч нарса эмаслигини сезмаган эканмиз. 2005 йилнинг 16 апрелидан то 19 апрелгача бутун Андижон турмасида қаттиқ текширув бошланди. 21 апрелдан 25 гача бу ишга ГУИН бошчилик қилди. Тинтувнинг аввалида хатлардан ташқари барча китоб, ҳар қандай қўлёзма, арабча матндаги Куръон ёки ҳадислардан ном-нишон қолдирилмади. Ҳатто баъзи хатлар ҳам тортиб олинди. Текширув охирида борган сари камерада кундалик эҳтиёжга ишлатиладиган анжомлар ҳам тортиб олинди. Текширув кунига икки марта лаб ҳам ўтказилди. Баъзилар қаттиқ таъсирланган, баъзилар ҳайрон, ақсарият аристонлар эса бу ифлос ишларни тўғри идрок қилсалар-да, барчанинг асаблари таранглашиб кетди. Шу кунларга келиб «Акромийлик»да айбланаётган 23 кишининг маҳкамаси ҳукм ўқиш олдида танафус эълон қилди. 12.05.05 йилдан 13.05.05 га ўтар кечаси соат 00:40 да қутилмаганда автоматлардан отилган ўқлар садоси остида бир ярим соат ичида жуда тез ва аниқлик билан милиция ходимларидан 4 киши ўлдирилиб турманинг барча эшиклари ланг очилди. Озодликка 700 га яқин аристонлардан 540 кишига яқини чиқиб кетган.

Шаҳардаги отишмаларда маҳкумлар орасидан 40 га яқини ҳалок бўлишган, яна 28 нафари бедарак йўқолган, 25 нафари намойишчиларга қўшилиб Қирғизистон ҳудудига ўтиб кетишган. 13 май турмадаги ва Андижон қирғини воқеалари пайтида, давлатнинг ва унинг фуқароларининг хавфсизлигини таъминлаб бериши

керак бўлган кўча-қуйларда милиция либосини гердайиб кийиб юрган мутаққабир кимсаларни ер ютиб юбордимикан деб ўйладим. Тинчлик ҳукм сурган вақтда бу каби форма кийган кимсаларни кўчаларда бир кунда 1000дан ортиғини учратасиз. Аммо нимагадир ўша куни уларнинг биронтасини топа олмадик. Ҳа айтганча биттасини топдик, у ҳам бўлса Андижон турмасининг итлар сақланадиган қафасида итга ўхшаб ётиб олиб жон сақлаб қолган “итвачча” эди.

Қодир (зиндонда овқат тарқатувчи сержант) ҳақида алоҳида тўхталаман. Бу овқат тарқатувчи доимо аристонларнинг овқатидан уриб қолади. Прогоулқа вақтини қирқади. Бўйи икки метрга яқин бу девдек йигит 13 майдаги отишма вақтида кўрқанидан итларнинг қафасига кириб олиб эрталабгача ўликдек ерга ёпишиб ётган. Ҳозирги кунда эса «акромийлар»ни синдиришда шварцнегерлик қилаётган ҳақиқий аблаҳ итваччадир.

Ҳамда Андижондаги кўпгина бу ифлос либосни эгниларига илиб юрганлар ҳам ана шундай кўрқок ва аблаҳ итваччалардандир. Биз Андижонда отишмалар бошланган вақтдаёқ шаҳарни ташлаб қочган мана шу кўрқок итлар орадан бир кун ўтиб намойишларга чиққан қўлида қуроли бўлмаган тинч аҳолини кириб ташлашганига гувоҳ бўлдик. Ҳа, бунга ўхшаган итларнинг кучи фақат ана шундай қўлида қуроли йўқ бўлган тинч аҳолигагина етади. Агар ана шу тинч аҳоли қўлларига қурол олишса, бу каби кўрқок итлар қафасларига қараб қочиб қолишади ва ўша ерда писиб ётадилар.

13 май воқеалари турмадаги аристонларга нисбатан ҳам кескин ўзгаришларни вужудга келтирди. Ҳамда Андижон шаҳрида қирғин, қувғин, қамокқа олишлар, тазйиқлар ўтказиш, халқни кўрқитиш, қамалганларни қийноқларга солишлар кескин кўпайиб кетди.

13 май воқеалари хизматини ўтаб бўлган малайларнинг баъзиларини балоғардон қилиб, жинорий жавобгарликка тортилишига сабаб бўлди. Андижон турмасида 4 киши ўлди, 5 киши устидан жинорий иш қўзғатилди, 5-10 киши ишдан четлатилди. Баъзи сурбет, кўрқокларга эса ўзларини кўрсатиш ва оқлаб олиш учун имкониятлар ҳам берилди («скачуха»).

12-дан 13-га ўтар кечаси итнинг инига яширинган, ахлат туйнугига текилиб олган, қаерда яшириниб олганини ўзларидан бошқалар билмайдиган муассаса ходимларига сичқоннинг ини минг танга бўлиб кетганининг сабабини уларнинг ўзларидан сўраган маъқул.

(Давоми кейинги бетда)

АНДИЖОН ЗИНДОНИ ҚАЪРИДА КЎРГАНЛАРИМ (2-ҚИСМ)

(Давоми: боши олдинги бетда)

Чунки бу полвонлар ҳамма ишлар тинчигач, яна «ифлос» аристонлар устидан гўё ҳеч нарса бўлмагандек ҳукм юрита бошладилар. Андижон воқеалари ортидан ҳибсга олинган мусулмонларни қилган-қилмаган ишларини бўйинларига қўйиш ва улардан шу мазмундаги иқдор хатларини ёзириб олиш учун олиб борилган қийноқларга бутун Ўзбекистон бўйлаб қийноқ соҳасининг мутахассислари жалб қилинди ва 3 ой мобайнида бу жаллод мутахассислар Андижон зиндониди фаолият олиб бордилар.

Самаранинг ўлим қанотидан ҳар куни оқшомда азоб ва қийноқларга бардоши етмай дод солиб бақираётган муслим ва муслималарнинг овози тинмади. Эркакларини орқаларига резина дубинка ёки шампан виноси бутилкалари тикилиб уларнинг орномуслари бу золим жаллодлар қўлида оёқ-ости қилинди. Аёлларининг ифбат ва номуслари кўз кўриб қулоқ эшитмаган ишлар билан инсон боласи чидаб бўлмас даражада поймол қилинди. Дод солиб бақираётган муслим ва муслималар таналарига етаётган азоб ва укубатлардан эмас, топталаётган номус ва орлари учун дод солар эдилар. Золимлар қўлида хорланганликлари ва хўрланганлари учун дод солиб йиғлаб бақирар эдилар. АТ-1 га янги бошлиқ қилиб Пўлатов И.га зам.началник қилиб Ўсаров Шахобиддин тайинланди. Ўсаров ишни «Мен сенлардақа сассиқ-ифлос аристонларнинг юзтасини янги ишга келган ишчимнинг ҳаром тукига олмайман» дейиш ва 50 грамм чой эҳсон қилгани учун бир биродарни бутун баданини моматалоқ қилиб камераларда «ибрат» учун айлантириб чиқаркан: «Кўриб қўйларинг, агар бирорталаринг бир-бирингга нарса чиқарсаларинг шу ҳолга тушираман. Ўзим орқангга дубинка тикаман» дея иш бошлади. Анзон айтувчиларни бирин-кетин зиндоннинг тубига тикдирди.

Цензурачи Каримов Жамолиддин аристонларнинг сермаъно исломий фикрлар битилган хатларини чиқартирмай қўйиши, шундай маънода хат ёзганларга ваҳобий, террорист деган эътиборда муносабатда бўлиб келган. У бир биродарни тингув қилаётганда ўртада шундай суҳбат бўлиб ўтган:

– Жамолиддин: Сенлар молга ўхшаб яшайсанлар.

– Биродар: Бир кунда икки мартадан ҳаммаёқни остин-устин қилиб титиб ташласанлар шундай бўлади-да. Ўзи нима қидирасизлар?

– Сенлар дарс ўтасанлар.

Китобларингни қидирамиз.

– Сизлар қидираётган нарса бизнинг калламизда.

– Шунинг учун ҳам сенларни

каллаларингни суғуриб олиш керак. Ҳа, токи ушбу жирканч ифлос тузумлар ўзгартирилмас экан, бу раҳбарларнинг ҳам, ходимларнинг ҳам алмаштирилиши ҳеч қандай фойда бермайди.

Эй мусулмонлар. Мен бу воқеаларни бировдан эшитмадим ёки ойнаи жаҳонда ҳам кўрмадим ёки биров менга бу ҳақда мактуб ҳам ёзмади. Мен буларни ўз кўзларим билан кўриб, хотирамга муҳрлаб чиқдим ва бугун бу бўлаётган зулму ситамларни сизларга сўзлаб бердим ҳолос. Эътибор бериш лозимки, зиндон ичкарасидан ташқаридаги ҳолат ҳам катта фарқ қилмайди. Жамиятга қурт каби ёпишган судя-прокурорлар, ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари етмагандай, маҳаллаларда пайдо бўлган посбонлар, маҳалла оқсоқоллари, хоин имомлар айнан сизу бизларнинг ва Аллоҳнинг душмани бўлмиш яхудий Каримовнинг малайларидир. Каримов ва унинг малайлари Исломга қарши кураши, исломий китобларни таъқиқлаши, Исломи таълим беришни ва имомларни сиқувга олиши ҳам далилга муҳтож эмас. Ҳолат шу даражага етдики, гўёки Ўзбекистонда Мусо алайҳиссалом давридаги Фиръавн каби бошқа бир Фиръавн ҳукм сураётгандек. Эй мусулмонлар, биз Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтганларидек бир жасад эмасмидик?! Золимларнинг зиндонларида топталаётган номус ва орлар бу бизнинг ҳам номус-орларимиз эмасмиди?!

Ўз диёрларида мол-мулклар талон-тарож қилинаётган мусулмонларнинг мол-мулклари бу бизнинг ҳам мол-мулкимиз эмасмиди?!

Золим ва тоғут ҳокимлар томонидан тўкилаётган мусулмонларнинг муборак қонлари бу бизнинг ҳам муборак қонимиз эмасмиди?! Андижон қирғинидаги бир неча минг мусулмонларнинг ноҳақ тўкилган қонлари ҳаққига олинадиган қасос бу бизнинг ҳам қасос эмасмиди?!

Осмонлару Ернинг йўқ бўлиб кетиши Аллоҳнинг ҳузурида бир мусулмон кишининг қони ноҳақ тўкилишидан енгилроқдир.

Аллоҳ таоло Ўз Китобиди мўъминларни ўзаро ҳамкорликка, ҳамжиҳатликка буюриб деди:

«Мўъминлар ва мўъминалар бир-бирларининг дўстларидирлар» «Тавба» сураси, 71-оят.

Аллоҳ таоло мўъминларни мазлумларга ёрдам беришга буюрди. Хусусан улар обрўларини, моллари-ю жонларини ҳимоя қиладиган қурол-аслаҳалари йўқ.

Аллоҳ таоло деди: «Агар улар дин йўлида сизлардан ёрдам сўрасалар, ёрдам қилиш зиммангиздадир».

(«Анфол»:72-оят). Мазлум

мусулмонларга қўлларингиздан келганича ёрдам беришингиз фарздир. Аллоҳ таоло сармоядорлардан: нима учун биродарларингизни қўллаб қувватламадингиз? Шарафсиз душманларингизга қарши мол-мулкнингиз ва куч-қувватларингиз билан нима учун биродарларингизни қўлламадингиз? – деб сўрайди. Оқил кишига – у мусулмон бўлсин, кофир бўлсин, тақволи бўлсин, фожир бўлсин – узоқ йиллардан бери Ўзбекистоннинг мустабид режими томонидан Зиндонлардаги биродарларимизга етаётган зулмлар очик кўриниб турибди. Режимнинг Исломга қарши курашиши, мусулмонларни ўлдириши, масжидларни вайрон қилиши, номусларга таъвоуз қилиши ва ноҳақ қонлар тўкиши ҳаммага кундек равшан. Қани бугун биздаги Алоҳ таоло айтган биродарлик қани?! «Мўъминлар биродардирлар». «Хужурот» сураси, 10-оят. Бу оятларни шунчаки ўқиб қўяверамизми? Бу оятларни воқеълигимизга, жонимизга, жиҳодимизга таъсири қани?! Исломи биродарлик қани?! Динни олий қилиш қани?! Мусулмонларга ёрдам беришга шошилиш қани?! Мусулмоннинг мусулмон устидаги ҳақлари қани?! Мусулмонларнинг бирдамликлари қани?! Уларнинг ғайратлари қани?! Биродарлари ёнларида туриб беришлари қани?! Ҳар куни бошқалардан бирор қарор чиқармикин деб кутиб ўтирайликми?! Исломга ёрдам бериш қани?! Роббимиз Қиёмат кунда «Нима учун ҳеч нарса қилмадинглар?», — деб сўраганида Роббимизга қандай жавоб берамиз?! Қиёматда Аллоҳ таоло ҳузурида нима дея оламиз?!

Эй, Ўзбекистондаги зиндонлар зулмини кўриб чиққан ва қалбида қасос ўти ёниб юрган мусулмонлар! Андижонда қатл қилинган мусулмонларнинг қасосини олиш ўтида бағру дили куйиб юрган мусулмонлар! Ватанда мол-мулки талон-тарож қилиниб, кофиристонларда ғарибу-ғуробо булиб юрган мусулмонлар!

Номусу орлари топталиб, поймол бўлиб, дунё кўзларига тор бўлиб юрган мусулмонлар! Аллоҳнинг итоатидан қочиб кофир-золимлар итоатида кул бўлиб хор-сарсон бўлиб юрган мусулмонлар!

Номусларингизнинг қасосини олинглар! Жонларингизнинг қасосини олинглар! Моҳу дунёларингизнинг қасосини олинглар! Динларингизнинг қасосини олинглар! Қалбларингизнинг қасосини олинглар! У бузғунчи, золим ҳукуматга ва унинг жирканч тузумига тайёр ўлжа бўлиб қолманглар! Қалбларга иймонни тўлдирилинглар!

Абдус-Сабур Андижоний

КАСАЛЛИКЛАРНИНГ САБАБЛАРИ

(Давоми. Боши ўтган сонларда)

Униб чиққан буғдой ва арпа сувининг тайёрланиши:

Униб чиққан буғдой ёки арпа ювилади, яхшилаб эзилиб, сув қўшилади ва сиқилади Буни асал билан ҳам аралаштирса бўлади. Қариларга, оғир беморлар ва ич яраси бўлган касалларга, болаларга ва соғлом кишиларга жуда фойдали. Огоҳлантириш: Чимланган буғдой ва арпа ишлатилишидан аввал албатта ювиллиши керак! Буғдой ва арпанинг гени ўзгармаган бўлишига диққат қилинг!

Седана *Nigella sativa*

Пайғамбаримиз (с.а.в.): “Седана энглар. Зеро Аллоҳ Таъоло унда ўлимдан ташқари, ҳар қандай дардга шифо яратган”, деганлар.

Седананинг бир марта истеъмол микдори 1,5-2 гр (1 чой қошиқ), бир кунда истеъмол микдори эса 6-7 (бир ош қошиқ) грамгача.

Седана асал билан аралаштирилиб, эрталаб-кечкурун оч қоринга 1 чой қошиқ ейилади. Катта, кичик, касал ва соғломларга фойда беради.

Ҳар куни чайнаб ейилган 3-5 гр седана оғиз ҳидини кетказди.

30 гр майдаланган седана 200 гр зайтун ёғи билан аралаштирилади.

7 кун сақланиб сузилади ва ҳар кун 20-30 гр ичилади, овқатланиш пайтида ёки соусларга қўшилиб ишлатилади.

Бу ёғ билан оғриган бўғинларга массаж қилинади, тери бузулишларига ва муаммоли сочларга сурилади.

Бош оғриши ва айланишини қолдириш учун:

Сочларга ва бош терисига седана ёғи суриш сочни тез яхшилаётди ва оқаришини кечиктиради, бош оғриғи, мигрен ва бош айланишини кетказди. Қулоққа седана ёғи томизиш қулоқни тозалайди.

Янги майдаланган седана ҳидлаш бош оғриғини кетказди.

Седана янги майдаланган ҳолда кукун ҳолида бурунга тортилса, қафасли суяк ва бурун қопламаларини очади.

Эпилепсия касаллигида:

Эпилепсияда седана сигарет каби чекилади, янги майдаланган седана бурунга тортилади. Седана ёғи бош терисига сурилади ва қулоққа томизилади.

Садаф (псориаз), пес (вителиго) ва замбуруғ касаллигида:

Сирка билан седана пастаси садаф касаллигида, замбуруғ, хуснбузар ва сўгалларга фойдали.

Майдалаб ярага сепиш, ярани тузатади; майдалаб ейиш ёки гемморойга суриш гемморойни яхшилаётди.

Нон хамирига аралаштириш ноннинг ҳазм бўлишини осонлаштиради.

Чайнаб ейиш, ошқозон ва ичак газларини чиқаради, ичаклар ва жигардаги куртлар ва бегона микробларни ўлдиради, оғиз ҳидини яхшилаётди.

Юз фалажида (параличида):

Седана кечкурун сиркада намланиб, эрталабгача туради. Қурилгандан сўнгра яхшилаб, туйиб бурунга тортилади. Бу жараён кунига 3-5 марта такрорланади. Бош оғриғини кетказди, юз фалжига фойда беради.

Седана ёғини бурунга тортиш ва бош терисига суриш юз фалажни кетказди.

Хотирани мустаҳкамлаш учун:

1 стакан ялпиз чойига 7-11 томчи седана ёғи томизилади ва асал билан ширинлаштирилади. Кунда 2 марта ичилади.

Ҳолсизликка қарши:

Седана ва қоразира бир микдорда туйилади, айна микдор асал билан аралаштирилади. Эрталаб ва кечкурун бир ош қошиқгача ейилади.

Гормон мувозанатсизлигига қарши:

Ҳар куни эрталаб 1 чой қошиқ туйилган седана + 10-20 мг ари сут + 1 чой қошиқ асал аралаштирилади ва оғизда эритилиб ютилади. Бу бир ой давом этади.

Туғишни осонлаштириш ва гинекологик касалликлар учун:

1 ош қошиқ мойчечак бир пиёла сув билан паст оловда 10-15 дақиқа қайнатилади. Айна шаклда седана ҳам қайнатилиб сузилади ва сузилган мойчечак суви билан аралаштирилади. Бироз совуганидан сўнгра 50 гр асал қўшилиб, эритилади ва кичик помпа билан (ёки игнаси инжектор билан) вагинага солинади ва кутилади. Айна пайтда заъфарон ёки зигир уруғидан қилинган ичимликка 7-11 томчи седана ёғи томизилади ва ичилади. Бу жараён туғишни қулайлаштириш учун тўлғок бошланганидан кейин, гинекологик касалликлар учун эса 1-2 ҳафта давомида, ҳар куни кечкурун амалга оширилади.

Холестеринни камайтириш ва холестеринли қатламларни эритиш учун:

Бир ош қошиқ туйилган седана + бир қошиқ туйилган оддий бўйимодарон + 1 қошиқ асал аралаштирилади, иккига бўлиниб, ҳар куни эрталаб ва тушлиқда оч қоринга ейилади. Очиққанда кўк чой, мева суви ёки сабзи суви ичилади, тушлиқгача ҳеч нарса ейилмайди. Бу 1 ҳафта давом эттирилади.

Бепуштликка қарши:

Бир пиёла седана + ½ пиёла қоразира + ½ пиёла қора турп уруғи майдаланади, 2 пиёла асал билан аралаштирилиб, эрталаб ва кечкурун бир ош қошиқ ейилади. Тугагунча давом эттирилади.

Простатит касалликларида қарши:

6 ҳафта давомида ҳар куни эрталаб 1 чой қошиқ туйилган седана + 1/3 чой қошиқ туйилган мўррисафий асал шарбати билан ичилади. Бел, қориннинг пастки қисми ва эркак бези тагига седана ёғи сурилади. 3 ҳафта давом этгандан сўнгра ўрнига аччиқ

қовун суви айна шаклда сурилади.

Диабетга:

Бир пиёла туйилган седана + ярим пиёла туйилган қоратундак уруғи + бир пиёла туйилган анор уруғи + бир пиёла қурилган ва туйилган оқ қарам томири + бир ош қошиқ туйилган мўррисафий аралаштирилади ва қоришма тугагунча кунига 3 марта бир дэсерт қошиқдан оч қоринга ичилади. Мўррисафий ўрнига занжабил қўлланилиши мумкин.

Талоқ касалликларида:

Ҳар кеч седана майдаланади ва эски зайтун ёғи билан ёки зайтунёғининг қолдиғи билан аралаштирилиб, чап қовурга остига сурилиб усти ёпилади. Эрталабгача туради. Шу пайтда 1 чой қошиқ шамбала, 1 пиёла иссиқ сув билан аралаштирилиб, асал билан ширинлаштирилади. Ичига 7-11 томчи седана ёғи томизилади ва ичилади. Икки ҳафта давом эттирилади.

Буйрак ва сафро косаси тошларини эритиш учун:

3 ош қошиқ майдаланган седана + 4 ош қошиқ табиий асал + 3 бош эзилган саримсоқ қўшилади. Учга бўлиниб, кунда 3 марта 50-100 гр лимон суви билан бирга ичилади. 7 кунгача ҳар кун айна жараён такрорланади.

Седана асал билан аралаштирилиб ичилса, буйрак ва қовуқдаги тошларни эритади, лўққиллаб оғришни кетказди, балғамни чиқаради, нафас қисшига фойда беради.

Сафро косаси (ўт пуфағи)

тўқималарини тузатиш учун:

Бир ош қошиқ майдаланган седана + бир чой қошиқ майдаланган мўррисафий + 200 гр асал яхшилаб аралаштирилади, тамом бўлгунча эрталаб, тушлиқда ва кечкурун бир неча чой қошиқдан ютилади.

Дафна дарахти

Дори тайёрлашда дарахтнинг барча аъзолари қўлланилиши мумкин. Дафна барглари майдаланади, кепакли буғдой уни билан ярим-ярим қилиб аралаштирилади ва сирка билан хамир қилинади. Бу хамир ҳароратли шишларга сурилади. Яллиғланишнинг олдини олади, ҳароратни туширади, оғрикни қолдиради.

20 гр дафна барги 1 литр сувда 3 дақиқа қайнатилади ва 30 дақиқа дамланади. Сузилганидан кейин 3 кун давомида ютумланиб ичилса, бўғимларни тозалайди. Бу дорининг ҳаммомда ишлатилиши самарадорликни янада оширади. 100 гр дафна барги 3 дақиқа қайнатилади ва 30 дақиқа дамланади. Совуққа яқин иссиқ сув билан аралаштирилиб, бу сув ичига ўтирилади. Бу сийдик йўллари кизишини кетказди, қовуқ ва бачадон касалликларида фойда беради.

(Давоми кейинги бетда)

КАСАЛЛИКЛАРНИНГ САБАБЛАРИ

(Давоми. Боши олдинги бетда)

Дафна дарахти пўсти ва меваси туйилади, ярим-ярим аралаштирилиб кунда бир марта 4-6 гр ичилса, буйрак тошларини парчалайди ва туширади. Бу амалиёт 3 кун кетма-кет қилинади, бир ҳафталик танаффуслар билан 3-5 марта такрорланиши мумкин. Аммо бу муолажани ҳомиладор аёллар қўлламасликлари керак, акс ҳолда, ҳомиласи тушиши мумкин.

Дафна меваси туйилади, асал билан ярим-ярим аралаштирилади ва эрталаб-кечқурун бир неча чой қошиқ ейилса, бош оғриғи сурункали бўлса ҳам, оғрикни кетказади.

Дафна ёғи шиш ва оғриган бўғимларга сурилса, оғрикни тўхтатади, қулоққа томизилса ёки бош терисига сурилса, қулоқ ва бош оғриғига фойда беради. Майдаланган дафна баргини ҳидлаш, аксиртириб мияни тозалайди.

Дафна ёғи тайёрлаш:

Янги дафна барги ва мевалари 3 тенг гуруҳга ажратилади. Биринчи гуруҳ кастрюлга зич жойлаштирилади ва устини ёпар даражада зайтун (ёки кунжут) ёғи қуйилади. Бугланиши туғагунича паст оловда қайнатилади ва ёғи сузиб олинади. Кейин навбат билан иккинчи ва учинчи гуруҳдаги дафна барги ва мевалари ҳам худди шундай қилинади. Ёғ шиша идишларга солиниб, идишнинг оғзи ёпилади ва ёғ зарурият туғилганда олиниб, ишлатилинади.

Олма *Pirus malus*

Таркибида кўп миқдорда А, В1, В2, С витаминлари, натрий, фосфор, органик кислоталар ва маъдан тузлар мужассам. Юқори антимикробиал ва антивирус таъсирга эга бўлгани учун ошқозон ва ичакларга, дизентерия инфекциясига, барча яллиғланиш касалликларига ва грипга фойда беради. Юрак ва буйрак касалликларига, анемия ҳамда диабетга фойдали.

Олма қонни тозалайди, қаттиқлашган томирларни ва жигарни юмшатади, юрак ва бошқа мускулларни кучли қилади, баданда тўпланган зарарли моддаларнинг, буйраклардаги кум ва тошларнинг чиқариб ташлашга ёрдам беради. Олма ёки олма суви ревматизмга, йўтал, нафас сиқиши, бронхит ва тумовга, тана ҳароратини кўтарувчи касалликларига фойда беради. Озишга ёрдам беради. Олма таомдан олдин ейилса, ич қотишининг олдини олади. Таомдан кейин ейилган олма ҳазми бузади, ошқозон ва ичакларда газ ҳосил қилади ҳамда коринни шиширади.

Олма пўсти ва бир неча уруғи билан бирга ейилиши керак. Уруғида қувват ва чидамликни кўпайтирувчи баъзи хусусиятлар бор. Пўсти олинган олманинг шиғоли хусусиятлари камаяди. Олма суви янгилиғида ичилиши керак, туриб қолган ва ранги ўзгарган шарбат шиғобахшлигини



йўқотади. Олма пўстидан тайёрланган чой буйраклар ва қовуқдаги тошларни эритиб туширади, шунингдек, буйрак касалликларига фойдали.

Ҳали пишмаган, хом олма таркибида кўп миқдорда темир моддаси борлиги учун яхшигина қон ишлаб чиқарувчидир. Болалар ва ҳомиладорлар хом олмани яхши кўришади.

Ҳар куни 1-3 дона олма ейиш ва ҳафтанинг 1-2 кунини фақат олма билан ўтказиш (қунига 1 кг олма ейиш) саломатлик қафолатидир. Олма фақатгина пишиқчилик мавсумида шиғобахшдир. Музлатилган олма ҳамда ҳосил мавсимидан кейин истеъмол қилинган олма кимёвий ўзгаришларга учраб, фойда ўрнига зарар беради: ичакларда ачийди, органик газ ҳосил бўлишига сабаб бўлади.

Кавар (ковул) *Capparis spinosa*

Ковул (кавар) гули гунчасига қаппари дейилади. Қаппари қуритилган ҳолда, шўр ёки табиий сиркада сакланиб ишлатилади. Янғиси лимон суви (ёки сирка), туз ва зайтун ёғи билан ейилади. Қуритилган қаппари яхшилаб туйилиб, сув билан ичилса, геморройга фойда беради.

Талок касалликларига қовулдан яхшироқ ўсимлик йўқ. Бу каби касалликларда қовул томирининг пўсти қайнатилиб ичилади ёки 1 чой қошиқ майдаланган қовул пўсти 3 ҳафта давомида эрталаб ва кечқурун сув билан ичилади. Қуруқ томири ўрнига гулининг гунчаларини (қаппарини) ҳам қўллаш мумкин.

Қуритилган томири туйилиб, жавдар уни билан аралаштирилади ва кечқурун талокка сурилади ва устига ёғли қоғоз ёпилади ҳамда эрталабгача туради. Янги қовулнинг томири пўсти қуритилган қовулнинг пўстидан қувватли бўлади.

Грейфрут *Citrus grandis*

Лимоннинг барча фойдали хусусиятларига эга бўлган, иштиҳанинг йўқлиги ва уйқусизликка фойдали, ичакларни ишлатади, жигарни тозалайди, фалаж ва қувватсизликка фойдали, ахлоқни гўзаллаштиради. Лимон ўрнига ҳам қўлласа бўлади. Грейфрут олаётганда уруғли (данакли) бўлишига диққат

қилиш керак. Уруғсиз (данаксиз) грейфрутлар гени ўзгартирилган бўлади.

Сабзи *Daucus carota*

А провитамина энг бой манбаларидан биридир. Унда кўп миқдорда С, D, E, K, В1, В2 витаминлари мавжуд. Болалар учун она сутидан кейинги қийматли озуқа. Эмизикли аёлларнинг сутини кўпайтиради ва бойитади. Она ва боланинг тишларини қувватлантиради, кўз нурини оширади. Қуйган жойлар, ташки ва ички яраларни яхшилайдди. Саратовнинг олдини олади, тери ва кўз касалликларига, шунингдек катаракта, астма ва овоз пастлигига фойда беради.

Сабзи уруғлари ошқозон ва ичак газларини кетказади, сийдикни хайдайди, буйрак ва қовуқ тошларини туширади, гидрофиз (қоринда сув тўпланиши) касаллигига фойда беради. Сабзи суви исмолок, кичитқи ўти, семизўти, қарам, пиёз, петрушка, селдир ёки олма суви билан бирга ичса, самарадорликни янада оширади.

Хурмо *Phoenix dactylifera*

Ҳадиси шарифда: “Ажва хурмоси жаннатдандир ва жинниликка қарши шиғофидир”, дейилган. Киши озуқа сифатида кўп вақт давомида хурмо ейиши мумкин. Хурмо, пўсти билан ювилмасдан ейилиши керак. Хурмо пўсти устидаги микроблар соғлом киши ичакларидаги микроблар билан бир хил. Хурмони ювмасдан ейиш ичакларга керакли микробларни бериш бўлади. Қунига 1-5 дона хурмо мағзи билан ейилса, ичакларнинг ишламаслигига ва геморройга фойдали. Ҳомиладор аёлларга хурмо тавсия қилинади, чунки хурмо бачадон мускулларини тозалаб, кучга тўлдиради. Хурмо - ҳомила ривожланиши учун керак бўлган фолия кислотасининг манбаидир. Нонушта ва кечки овқатлар ўрнига сув ёки кўк чой билан ейиш мумкин. Пайғамбаримиз (с.а.в.) хурмони қовун, тарвуз ёки қаймоқ билан ер эдилар. Ялттирок хурмолар сакловчи кимёвий моддалар қўшилгани сабабли, катта хурмолар эса гормонли бўлгани сабабли зарарлилар ва танланмаслиги керак. Ажва хурмосининг энг кичиги танланса, мақсадга мувофиқ бўлади.

ОЙДИН СОЛИҲ

“Ҳақиқий тиббиёт” китобидан
(Давоми келгуси сонда)



“Эркин Юрт” интернет-газетаси
Мустақил манбааларнинг
маълумотларидан фойдаланилди.
Масъул муҳаррир
Қамолддин Йўлдош